Бугун Тошкентда, Санъат саройида Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XIX съезди очилди

Эртага съезд ўз ишини давом эттиради

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 27 (2922).
3 СЕШАНБА ФЕВРАЛЬ 1976 й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

МАРРАДАН ЎЗИБ

«Уртоқ» кондитер фабрикасининг коллективи янги йил бошидан буён ишлаб чиқарилган 60 тонна ширинликни савдо тармоқларига чиқарди.

Фабрика коллективи «1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантириш и н г асосий йўналишлари» тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг партия XXV съездига лойиҳасини зўр қониқиш билан муҳокама қилмоқда. Қандолатчилар лойиҳадан келиб чиқиб 1976 йилга юксак социалистик мажбурият қабул қилдилар. Йиллик план 23 декабрда бажарилиб, пландан ташқари 300 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинади. Меҳнат унумдорлиги 1 процент оширилади. 32 ихтирочилик ва рационализаторлик таклифи киритилиб, ундан 60 минг сўм фойда олинади. 20 та янги дастгоҳ ўрнатилади. Утган йилда 7 маҳсулот Сифат белгиси билан ишлаб чиқарилган бўлса, бу кўрсаткич 10 тага етказилади. 3,5 тонна хом ашё тежаб қолинади. 300 ишчи коммунистик меҳнат мактабида ўқитилади.

Фабрика коллективи Янгийўл хамиртуруш бошқармасини мусобақага чақирган. Корхонада Сифат белгиси билан тайёрланаётган «Оқ олтин», «Ўзбекистон», «Спортивная», «Батончик», «Олтин хўрозча», «Қизил шапкача» каби маҳсулотлар аҳоли томонидан суйиб харид қилинмоқда.

Корхонада Қурбонали Муҳамаджонов бошлиқ карамель цехи, Зикрилла Миржалолов бошлиқ конфет цехи, Зуҳра Имомбердиева бошлиқ ирис цехларининг коллективлари социалистик мусобақада актив иштирок этаяпти. Ғулом Болтахўжаев, Асқар Даданов, Фрося Никитина каби меҳнат илғорлари унумли ишламоқдалар. 30 ишчи ҳозир 1976 йилнинг апрель-май ойлари ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқаряптилар. Ирина Ҳайдарова, Надя Бойбекова, Анвар Халилов, Туроб Каримовлар шулар жумласидандир.

Фабрика коллективи КПСС XXV съезди очиладиган кунгача 1976 йилнинг икки ойлик планини бажариб, пландан ташқари 50 тонна маҳсулот ишлаб чиқаради.

Ҳ. ИНОҒОМОВ.

Олдинги сафда

«Главташкентстрой» 4-қурилиш трестига қарашли 4-бошқарманинг Асадулла Назаров бошлиқ комплекс бригадаси бунёдкорлари трестда биринчи бўлиб, партиямиз XXV съездини муносиб кутиб олиш учун республикамиз тўрт илғори бошлаган ташаббусни қўллаб-қувватлаган эдилар. Тўққизинчи беш йиллик топшириқларини ўтган йилнинг июнь ойида адо этган илғор коллектив мусобақанинг олдинги сафларида бориб, шу кунларда 1976 йилнинг июль ойи ҳисобига меҳнат қилмоқда.

Бригада коллективи ҳозир Юнусободда, Шимоли-Шарқ массивида янги қурилган биноларга водопровод, канализация ва иссиқлик трассаларини ўрнатиб кўчатларга сув ўтадиган новлар қуришмоқда. Трестнинг бу илғор бригадаси партиямиз XXV съездини муносиб кутиб олиш учун биринчи квартал топшириқларини съезд очиладиган кунгача бажаришга аҳд қилган. Бригада коллективи партия съездини меҳнатда янги ютуқлар билан кутиб олиш учун бошқарманинг Р. Худойбердиев бошлиқ бригадаси билан мусобақалашмоқда.

• КПСС XXV съезди делегатлари

Касбга муҳаббат

...Анна Васильевна ҳозиргина тайёр бўлган детални синчковлик билан кўздан узоқ кечирди. Унинг нуқсонсиз, сифатли тайёрланганидан кўнгли тўлиб, мийиғида жилмайди. У янги детални ишлов беришга киришди...

Маҳсулот сифати — корхона кўзгуси эканлигини бу фидокор ишчи жуда яхши билади. У ўзининг меҳнат фаолияти давомида фақат аъло сифатли ишлашга, бу билан ўзи учун қадрдон бўлиб қолган корхонаси шон-шавкатини кўтаришга интилиб келмоқда.

СССР 50 йиллиги номидаги Тошкент трактор заводида тайёрланган «пўлат от»лар республикамиз ташқарисида ҳам маълум ва машҳурдир. Тошкент тракторларини ҳатто хорижий элларда ҳам жуда яхши билишади. Корхонада фидокорона меҳнат қилаётган, ишчи касбини улуғлаётган Анна Васильевна сингари жонкуярларнинг самарали, ҳалол ишлари туфайли завод довруғи элда достон бўлиб бормоқда.

Анна Васильевнани тракторсозлар, у меҳнат қилаётган механика цехининг метиз участкасидагилар чуқур ҳурмат қилишади, унинг номини ҳамма фахр билан тилга олади. Бунинг боиси бор, албатта. Чунки, фидокор ишчи ташаббускорлиги, ўзига топширилган ишни зўр масъулият билан бажариши билан кўпчиликнинг меҳр-муҳаббатини қозонган. Бундан бир неча йил илгари у бошқа коммунистлар билан биргаликда қимматли ташаббус— созловчисиз ишлаш, ўзига хизмат кўрсатадиган дастгоҳни мустақил созлашни таклиф қилган эди. Аввалига унинг бу таклифига кўпчилик ишонмади. Лекин, А. Федюшина шахсий намуна кўрсатиб, ўзининг бу ташаббуси чиндан ҳам корхонага катта фойда келтиришини яққол исботлаб берди. Шу туфайли меҳнат унумдорлиги ҳам кескин даражада ошди. Анна Васильевнанинг ташаббусига ўнлаб сверловкачилар, фрезерчилар, токарлар қўшилишди.

1969 йили завод коммунистлари унга катта ишонч билдиришиб, илғор ишчини КПСС сафига қабул қилишди. Бу юксак ишончга жавобан у ўз зиммасига юксак социалистик мажбурият— тўққизинчи беш йилликда икки беш йиллик топшириғини бажариш мажбуриятини олди. Сверловкачи А. Федюшина тўққизинчи беш йилликни муваффақиятли якунлади. Корхонада биринчилар қатори ғалаба рапортига имзо чекди.

Меҳнат қилган — элда азиз, дейдилар. Анна Васильевнанинг меҳнатлари муносиб тақдирланган. У учинчи даражали Меҳнат шуҳрати ордени билан тақдирланган. XVIII Тошкент область партия конференциясида эса у КПСС XXV съездига делегат қилиб сайланди. Фидокор аёл бундай юксак ишончга ўнинчи беш йилликда ҳам икки беш йиллик топшириғини бажариш билан жавоб қайтаришга қатъий аҳд қилиб қўйди.

Мактабнинг янги биноси

159-трест 13-қурилиш бошқармасининг В. Харашвили бошлиқ комплекс бригадаси бунёдкорлари Октябрь районидаги Октепа массивида 157-ўрта мактаб учун 1100 ўринли янги бино қурилишини жадал олиб бормоқдалар. Бригаданинг кунлик топшириқларни 1,5 ҳиссадан ошириб адо этаётган монтажчи Р. Жалолов, ғишт терувчи М. Усмонов ва пайвандчи Б. Сон каби бунёдкорлари объект қурилишида бошқаларга ибрат бўлишмоқда.

— Бинокорларимиз бу ерда бунёд этилаётган ўқув корпуси, спорт зали ва мажлислар зали комплексини янги ўқув йилигача фойдаланишга топшириш учун суръатга-суръат қўшиб ишлашмоқда, — дейди прораб Х. Содиқов.

Қурилишда илғор иш усулларидан унумли фойдаланаётган бунёдкорлар ишчи вақтининг юксак самарали бўлиши, шунингдек, қурилиш материалларини тежаб фойдаланиш учун интилмоқдалар. Бригада шу кунларда КПСС XXIII съезди шарафига ўтаётган 23-зарбдор декада мусобақанинг олдинги сафларида бориб, ўн кунлик топшириқни муддатидан икки кун олдин бажарди. Коллектив декада охирига қадар ва пландан т а шқари 1,5 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишга бел боғлаган.

МИЛЛИАРД КИЛОВАТТ-СОАТ!

Мамлакатда ускуналари очиқ ўрнаштирилган энг катта иссиқлик электр станцияси —Тошкент ГРЭСининг қайд этувчи асбоблари йил бошидан бери миллиард киловатт-соат электр энергияси ҳосил қилинганлигини кўрсатди. Бунинг устига шу миллиард киловатт-соатнинг ҳар биттасида бир грамм шартли ёқилғи тежалди. Натижада минг тонна ёқилғи тежалди. Пландан ташқари 280 миллион киловатт-соат энергияси ҳосил қилинди. Учта энергоблокни планли ремонт қилиш муддатлари қисқартилиши ҳисобига шу муваффақиятга эришилди. Кўпгина ишчиларнинг зарбдор меҳнат қилишлари туфайли ремонт муддати 17 кун қисқарди. Учта агрегат барвақт ишга туширилиши натижасида республиканинг заводлари ва қурилишларига қўшимча энергия бериш мумкин бўлди.

Станцияда беш йилликнинг биринчи йили лойиҳадагига нисбатан миллиард киловатт-соат электр энергия кўпроқ ҳосил қилинади. Автоматлашни кенг кўламда жорий этиш, хизмат зонасини кенгайтириш, ёқилғи тежаш, энергоблокларнинг пухталигини ошириш йўли билан шунга эришилади.

Е. ГАЙНУЛИН,
УзТАГ мухбири.

СИФАТ— АСОСИЙ МЕЗОН

Бугун

Сергели район партия комитети пропаганда ва агитация бўлими ва район «Билим» жамиятининг бўлиб ўтган қўшма конференцияси ана шу масалага бағишланди.

КПСС XXV съездига бағишлаб ўтказилаётган илмий-назарий конференцияда ўнинчи беш йиллик— сифат беш йиллиги ҳақида гапирилиб, саноат корхоналари раҳбарлари ва инженерлар олдида турган вазифалар ҳақида тўхталиб ўтилди.

Жамоатчи лекторлар, пропагандистлар, саноат корхоналарининг инженерлари, план-техника бўлими бошлиқлари қатнашган конференцияда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси экономика институти илмий-техника тараққиёти сектори мудири, экономика фанлари кандидати Р. Раззоқов, стандартлаштириш ва метрология Бутуниттифоқ институтининг Тошкентдаги факультети катта инженери Ф. Гольцов, шу институт деканн В. Бабкин каби бир қатор олимлар ва мутахассислар ўнинчи беш йилликда сифатни ошириш билан боғлиқ масалалар ҳақида гапирдилар.

Тонгги газеталарда

◆ **Франция Коммунистик партияси Марказий Комитетининг таклифига биноан Франция Компартиясининг XXII съездида қатнашмоқ учун КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари А. П. Кириленко бошчилигидаги Совет Иттифоқи Коммунистик партияси делегацияси 2 февраль куни Москвадан Парижга жўнаб кетди.**

Делегация шу куни Парижга етиб келди.

◆ «Кавказ» корпус қўшинлари машқи ўтказилаётган районга келган КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР мудофаа министри, Совет Иттифоқи Маршали А. А. Гречко машқ раҳбарлари билан, Қизил Байроқ орденли Закавказье ҳарбий округининг қўмондонлари билан учрашди, машқда қатнашаётган қўшинлар ҳузурида бўлди.

БИРИНЧИ БЎЛИШ ҲУҚУҚИ

Ўнлаб тошкентлик метро қурувчи бригадалар орасида бу коллективнинг «Беш кунлик— тўрт кунда» шиори остида ватанпарварлик ташаббуси билан чиққанлигига сабаб нима? Бу саволга жавоб бериш осон ва шу билан бирга қийин ҳам.

Тошкент метро қурилиш тресги 2-қурилиш монтаж бошқармасининг Владимир Кожемякин бошлиқ проходкачилар бригадаси сўзсиз трестдаги энг и л ғ о р коллектив ҳисобланади. Бу бригада коммунистик меҳнат ва тўққизинчи беш йиллик зарбдоридир. Ушбу юксак унвонлар шунчаки берилгани йўқ. У аҳил коллективнинг фидокорона меҳнатлари эвазига қўлга киритилган. Аммо, метро қурилиш трестида бундай беш йиллик зарбдорлари, коммунистик меҳнат бригадалари жуда кўпчилик. Шундай бўлсада, барибир В. Кожемякин бошлиқ коллектив қатъий ташаббуснинг бошловчисидир! Биринчи бўлиш ҳуқуқини эса асрлар бўйи фақат энг кучлилар қўлга киритиб келган. Ҳуқуқ ва бурч. Албатта бурч маъносини кенгроқ тушуниш керак. Негаки, олдинда бораётганлар зиммасида доимо катта масъулият бўлади. Издошлар эса уларнинг ортидан боришади, албатта, ибрат ва намуна олишади. Бошқача қилиб айтганда, бошловчи кемалар эскадрасининг карвонбошисига ўхшайди. У ҳеч ким ўтмаган йўлдан, тўфонлардан, кучли тўлқинлар орасидан йўл очиб боради...

Бугунги кунда Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери Владимир Кожемякин бошлиқ проходкачилар бригадаси ҳақиқатан ҳам Тошкент метроси қурилишининг олдинги сафларида бормоқда. Бу коллективга Тошкент метрополитени қурилишининг иккинчи навбатини бошлашдек фахрли ва масъулиятли иш ишониб топширилди. Бу ер ости трассаси «Октябрь Революцияси» станциясидан Тошкент трактор заводигача давом этади. Бригада ҳозир иккинчи навбат ер ости йўлининг дастлабки бекати «Москва» станцияси томонга туннель қазиб бормоқда. Бу ерда икки йўлли ер ости йўли кундан-кунга узаймоқда. Бригада коллективи чап қанот туннелда 280 метр, ўнг қанот туннелда 390 метр ер ости йўли бунёд этишди. Ҳозир бу ердан иккинчи навбат метро йўлининг дастлабки станциясигача 170 метрдан озроқ масофа қолди. Бригада ойига 75 метр масофада метро йўли бунёд этиши керак. Зарбдор коллектив бунёдкорлари декабрь ойида 90 метр, январь ойида эса 92 метр туннель барпо этишга муваффақ бўлишди.

Бу ютуқларнинг сири бригаданинг ўтган йил ноябрь ойидан бошлаб Николай Злобин методи асосида хўжалик ҳисобида ишлай бошлаганлигида, албатта. Бригада пудрати метро қурилишида янги иш услубидир. Табиийки, уни жорий этишда ташкилий, техник ва бошқа қийинчиликлар бўлади. Эндиликда бригада коллективи қурилиш баҳоси ўзларининг қўлларида эканлигини, тежалган маблағнинг ярмидан манфаатдор эканликларини жуда яхши билишади. Шунингдек, проходка ишларининг барча жараёнлари — бетон ва чўян плиталарни ўрнатиш, чокларни пайвандлаш ва бошқа ишларнинг сифатли бажарилиши учун масъулият ҳам барчанинг ва ҳар бир коллектив аъзосининг зиммасида эканлигини пухта англашади. Шунинг учун ҳам ўз ишининг аъло сифатли бажарилишидан ҳамма манфаатдор. Тежамкорлик, ўз ишини чуқур ўйлаб пухта бажариш, иш сифатига шахсий масъулият, буларнинг ҳаммаси хўжалик ҳисобида ишловчи бригада учун хос хусусиятдир.

В. Кожемякин бошлиқ бригадада ишловчи одамларнинг ҳаммаси ҳам оддий қурувчилар. Фахр, ҳа, ҳақиқий ишчи фахри учунгина уларга янги методни синаб кўриш ишониб топширилди. Янги метод эса бригадага қурилиш фронтининг олдинги сафида бориш учун катта имкониятлар очиб берди. Эндиликда янги иш услубининг энг яхши сифатлари ва афзалликларини ҳар бир қурувчи чуқур ҳис этмоқда.

Шунинг учун ҳам бригада коллективининг ўнинчи беш йилликнинг барча йиллари мобайнида ҳар бир ҳафталик ишдан бир кунни тежаб қолиш бўйича қатъий аҳди шунчаки ёшлик мақтанчоқлигидан эмас, балки ўз куч ва имкониятларини чуқур англашдан, КПСС XXV съездини муносиб кутиб олиш учун келгусида социалистик мусобақа шаклларини ривожлантиришдан табиий равишда келиб чиққан қатъий қарордир, Асрор Акромов, Виктор Пантелеенко, Дарвин Шайхуллин, Азамат Рашидов, Искандар Абдухолиқовлар ва бригаданинг бошқа барча аъзолари социалистик мусобақа хўжаликни яхши бошқаришнинг, ишга коммунистик муносабатларни таркиб топтирувчи ўзига хос мактаб эканлигини аъло даражада тушунишади. Пировардида эса, бу барчанинг ва ҳар бир кишининг фаровонлиги эканлигини ҳам яхши англашади. Чунки, ёмон ишлаб оз ҳақ олишдан кўра дуруст ишлаб кўпроқ ҳақ олиш яхши-да. Социалистик онглилик эса яхши ҳақ олиш учун ишни аъло даражада бажаришни ҳам тақозо этади... Бригада пудратида ишчи виждони, унинг софдиллиги асосий шартдир. Бу метод кишида энг яхши хислатларни, дангасалар, сифатсиз иш бажарувчиларга нисбатан кураш ҳиссини таркиб топтиради.

Иш пайтида чекиш учун кўп вақт кетгазувчилар, ишдан қолувчилар ва ишёқмаслар кам ҳақ олиш билан жазоланадилар. Шунинг учун ҳам бундай кишилар аккорд-мукофот системаси, таннархни арзонлаштирганлиги учун ва объектни муддатидан илгари фойдаланишга топширилганлиги учун бериладиган мукофотлардан маҳрум этилади. Тўғри В. Кожемякин бригадасида бундай кишилар йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Бу ерда коллективни ўйламаслик ўзини ўйламаслик эканлигини ҳамма пухта тушунади.

Владимир Кожемякин бригадаси бошлаган ташаббус бугун фақатгина Тошкент метро қурилиш тресги коллективи томонидангина қўллаб-қувватланиб қолмади. Тошкентдаги ўнлаб, юзлаб ишчи ва қурилиш коллективлари беш кунлик топшириқни тўрт кунда бажариш учун ўз зиммаларига социалистик мажбуриятлар олмоқдалар. Шаҳримизнинг олти илғор бригадаси бошлаган ташаббус учқуни кундан-кунга алангаланмоқда. Социалистик мусобақа байроғи эса биринчи бўлиш ҳуқуқи учун ўзини кўрсатаётганлар қўлида.

М. АБДУЛЛАЕВ,
«Тошкент оқшоми» мухбири.

А. САФРОНОВ,
«Вечерний Ташкент» мухбири.

СУРАТДА: (чапдан-ўнгга) — бригада аъзолари В.Карташев, Ю. Волков, В. Панфиленко, В. Бутусов, бригада бошлиғи В. Кожемякин, С. Хисамутдинов ва С. Югай.

М. Нуриддинов фотоси.

• Тошкент—мамлакатга, жаҳонга

КЎПЛАБ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАШИНАЛАРИ

Меҳнат Қизил Байроқ орденли Ворошилов номидаги «Ташсельмаш» заводида мамлакатимизнинг кўплаб республикалари билан бир қаторда, Руминия, Болгария, Ироқ каби ўндан ортиқ чет мамлакатга ҳам кўплаб қишлоқ хўжалик машиналари етказиб берилмоқда. Шу кунларда буюртмаларни муддатида олаётган мижозлардан кўплаб ташаккурнома келиб турибди.

Кейинги пайтда заводда «Ўзбекистон» маркали, тўрт қаторли машинанинг ишлаб чиқарилиши қишлоқ хўжалигида анча қўл келди. Бунга бўлган талаб йилдан-йилга ортяпти. Янги машина деҳқонларнинг оғирини енгил қилиб, меҳнат унумдорлигини бир неча ҳисса оширмоқда.

Завод коллективи ўтган йили ана шу машинадан 85 тасини пахтакор хўжаликларга жўнатган эди. Шунингдек, чет мамлакатларга 125 минг сўмлик эҳтиёт қисмлар юборилди. Ўнинчи беш йилликда бу машинадан кўплаб ишлаб чиқарилади. 1976 йил учун буюртма бераётган ташкилотлар сони 150 тага етди.

КПСС XXV съездига муносиб меҳнат совғалари тайёрлаётган завод коллективи шу ойнинг ўтган кунларида 300 дан ортиқ турли қишлоқ хўжалик машиналарини тайёрлади.

Бугун

«ХН—3,6» МАШИНАСИДАН 22 ТАСИ СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИГА, «14ХВ—2,4» МАРКАЛИ МАШИНАДАН 33 ТАСИ ҚАРДОШ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АВТОНОМ РЕСПУБЛИКАСИГА ЖЎНАТИЛДИ. ШУНИНГДЕК, ТУРКМАНИСТОН, ҚОЗОҒИСТОН, ҚИРҒИЗИСТОН КАБИ ҚАРДОШ РЕСПУБЛИКАЛАРГА ҲАМ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАШИНАЛАРИНИНГ КАТТА ТУРКУМИ ЮБОРИЛДИ.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

◆ **БЕРЛИН. ГДРда саноат объектлари ва бошқа объектлар қуришда, шунингдек 1976—1980 йилларда газ ва қаттиқ фойдали қазилмаларни қидириб топиш мақсадида геология-разведка ишларини ўтказиш борасида СССР билан ГДР ўртасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги битимлар бу ерда имзоланди. Битимларда саноатнинг энергетика, металлургия, химия сингари энг муҳим соҳаларида ҳамкорликни янада кенгайтириш кўзда тутилади.**

◆ ВАШИНГТОН. Американинг ишчилар синфи монополияларнинг меҳнаткашлар ҳаётий ҳуқуқларига қилаётган ҳужумига кучли забастовка кураши билан жавоб қайтармоқда. Утган йили, дейилади меҳнат министрлигининг ахборотида, Америка меҳнаткашлари 5200 марта забастовка ўтказдилар. Саноатнинг барча асосий тармоқларини қамраб олган бу забастовкаларда 1,8 миллион киши иштирок этди.

◆ **РАНГУН. Бирмада кооператив ҳаракатини ривожлантиришда катта муваффақиятларга эришилди. Мамлакатда 18 минг кооператив, шу жумладан 800 та ишлаб чиқариш кооперативи ишлаб турибди. Кооперативлар министрининг ўринбосари У Тейин Ту айтганидек, ҳозирги вақтдаги асосий вазифа кенг истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган кооперативларни барпо этишдан иборатдир.**

◆ БУЭНОС-АЙРЕС. Аргентинада миллий пул бирлиги—песо янги йил бошлангандан буён иккинчи марта девальвация қилинди. Аргентина марказий банкининг маълум қилишича, песонинг қиймати Америка долларига нисбатан яна 8,9 процент пасайтирилган.

Утган йили песо 14 марта девальвация қилинган эди.

◆ **ЛОНДОН. Умумпалатанинг лейборист депутатлари Ангола Халқ Республикасига қарши империалистик агрессияда қатнашиш учун Англияда малайларни ёллашга қарши норозилик билдирдилар.**

Лейборист депутат С. Ньюенс Англиядан Анголага ёлланганлар жўнаб кетганлигини айтиб, бундай хатти-ҳаракатлар тўхтатилишини талаб қилди.

◆ ОТТАВА. Совет халқининг ҳаётига Канада жамоатчилигининг қизиқиши тобора ортиб бораётганлиги муносабати билан «Канада — СССР» уюшмаси экономика, маданият ва санъат соҳасида Совет Иттифоқи эришган муваффақиятлар билан канадаликларни таништириш соҳасида кўпгина тадбирларни амалга оширмоқда. Ана шу тадбирлар планига биноан Торонто ва Монреалда совет фильмларининг кўриги ўтказилади, оммавий кутубхоналарда СССР халқларининг ҳаёти тўғрисида ҳикоя қилувчи фотокўргазмалар намойиш этилади. «Канада—СССР» уюшмасининг аъзолари Совет Иттифоқига бориб келган канадаликлар турли залларда Совет Иттифоқи тўғрисида лекциялар ўқишади.

◆ **СТОКГОЛЬМ. Швеция сўл партияси — коммунистларнинг ташаббуси билан мамлакатда испан халқи билан бирдамлик фондига 139 минг крона тўпланди. Бутун Швецияда маблағ тўплаш давом эттирилмоқда. Бу кампания Стокгольмда февраль ойининг ўрталарида испан халқи билан бирдамлик оммавий митинги билан якунланади. (ТАСС).**

ОБ-ҲАВО

Тошкент шаҳри ва областида бугун кечаси ва эртага кундузи ҳаво ўзгариб турсада, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси ва кундузи туман тушиши эҳтимол. Секундига 3—7 метр тезликда шамол эсади. Температура бугун кечаси 0—6 даража совуқ, эртага кундузи эса 0—6 даража иссиқ бўлади.

> «ҲАММА ИШНИНГ СИФАТИНИ ОШИРИШ БУТУН ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИМИЗНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН АСОСИЙ ПРОБЛЕМА БЎЛИБ ҚОЛДИ. БУ ГАП ПЛАНЛАРИМИЗНИНГ СИФАТИГА ҲАМ, ЯЪНИ УЛАРНИ АСОСЛАНГАН ВА БАЛАНСЛАНГАН БЎЛИШИГА ҲАМ ТААЛЛУҚЛИДИР. БУ ГАП ИШЛАБ ЧИҚАРИШ АППАРАТИНИНГ БОШЛАНҒИЧ БЎҒИНЛАРИДАН ТОРТИБ МАРКАЗИЙ ХЎЖАЛИК ОРГАНЛАРИГАЧА БЎЛГАН БОШҚАРУВ ФАОЛИЯТИНИНГ СИФАТИГА ҲАМ ТААЛЛУҚЛИДИР. БУ ГАП МЕҲНАТ ИНТИЗОМИНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ҲАМ, ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН МАҲСУЛОТНИНГ СИФАТИНИ ЯХШИЛАШГА ҲАМ ТААЛЛУҚЛИДИР»
>
> Л. И. БРЕЖНЕВ.

Техника назорати пункти пассажир участкасининг коммунист Азимбек Рустамбеков бошлиқ пешқадам ремонтчилар бригадаси Тошкент тепловоз депоси коллективи ўртасида катта обрў қозонган. Бригада аъзолари бир сменада нормадаги 15 ўрнига 25—30 тепловознинг техника ҳолатини назоратдан ўтказадилар. Улар составлар ҳаракати хавфсизлигига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келишяпти. Бригада аъзолари КПСС XXV съезди шарафига социалистик мусобақани кун сайин авж олдирмоқдалар.

СУРАТДА: бригада аъзолари (чапдан ўнгга) А. Новичков, Д. Алешин, А. Рустамбеков, Р. Мўминов ва Б. Зиятдинов.

М. Нуриддинов фотоси.

● Идеология ишидаги тажрибалардан

Беш йиллик марралари— диққат марказида

КПСС XXV съездига қизғин тайёргарлик кетаётган айни шу кунларда пойтахтнинг меҳнат коллективларида КПСС Марказий Комитети декабрь (1975 йил) Пленуми материаллари ва «1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида» КПСС Марказий Комитетининг партия XXV съездига лойиҳаси муҳокамаси давом этмоқда. Мана шу ҳужжатларнинг жуда катта ижтимоий-сиёсий аҳамиятини, бу ҳужжатларга коммунистлар ва барча меҳнаткашларнинг жуда катта қизиқишини эътиборга олиб, марксча-ленинча ўқув, иқтисодий таълим системасида ва комсомол сиёсий маорифи системасида уни атрофлича ва чуқур ўрганиш ташкил этилди.

Лекцияларда ва докладларда КПСС Марказий Комитетининг партия XXV съездига лойиҳасининг илмий жиҳатдан асосланганлиги очиб берилмоқда. Ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигининг асосий йўллари: илмий-техника тараққиётини тезлаштириш, социалистик мусобақани кенг авж олдириш, иқтисод режимни кучайтириш, иш сифатини ошириш, интизом ва шахсий масъулиятни ошириш, ишлаб чиқаришни ташкил этишни бошқаришни такомиллаштириш масалалари очиб берилмоқда.

Коллективлар олдида турган вазифаларни конкретлаштириб пропагандистлар, лекторлар ва тингловчилар ўз сўзларида тўққизинчи беш йиллик ишлаб чиқариш планлари ва мажбуриятларини идеологик жиҳатдан таъминлаш бўйича ишда тўпланган тажрибалардан кенг фойдаланмоқдалар. Бунда машғулотларнинг актив формалари бўлмиш рефератлар ёзиш ва уни муҳокама қилиш, амалий машғулотлар ўтказиш кенг практика қилинмоқда. Масалан, В. П. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси марксизм-ленинизм асослари мактабининг тингловчилари «КПСС — коммунистик қурилишнинг раҳбар ва ташкилотчи кучи» деган курсни ўрганиш пайтида техника тараққиёти соҳасида, ишлаб чиқариш процессларини бошқариш, коллектив аъзоларининг турмуш фаровонлигини ошириш бўйича корхонада эришилган ютуқларни қайд қилиб ўтмоқдалар. Кўпчилик тингловчилар амалий топшириқни бажармоқдалар. Жумладан, экономист Р. А. Водяницкая КПСС XXV съезди номидаги коллектив деб аталиш ҳуқуқини қўлга киритиш учун социалистик мусобақанинг боришини таҳлил этди, Д. П. Губанов, Т. У. Самигов, М. И. Никитенко ва бошқалар муҳим мавзуларда рефератлар тайёрладилар.

Семинар тингловчиларидан А. Ведерников, А. Савенков, В. Панинлар буюмлар сифатини ошириш бўйича ишда тўплаган тажрибаларини ўртоқлашдилар. Корхона инженери, СССР Олий Советининг депутати Т. К. Ляшко машғулотда «Сифат беш йиллигига — инженерлик кафолати» ташаббуси ҳақида гапириб берди.

КПСС Марказий Комитетининг партия XXV съездига лойиҳасини ўрганиш чоғида уйсозлик комбинатининг пропагандистлари асосий эътиборни қурилиш ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, қурилиш ишлари сифатини яхшилашга қаратмоқдалар.

Ўнинчи беш йиллик асосий проблемаларидан — илмий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш, халқ хўжалигида улардан фойдаланишни тезлаштириш, ишлаб чиқаришга прогрессив материаллар ва технологик процессларни, янги машина ва жиҳозларни тезроқ яратиш ва тезроқ жорий қилиш, уларнинг узоқ муддатга чидамлилигини ошириш масалаларига ҳам асосий эътибор қаратилмоқда. Машинасозлик бўйича Давлат лойиҳа-конструкторлик технология бюросининг пропагандистлари мана шуларни ҳисобга олиб иқтисодий ўқув машғулотларида тингловчиларга муассасанинг ўнинчи беш йилликдаги конкрет вазифалари ҳақида сўзлаб бермоқдалар.

Машғулотлар чоғида социалистик мусобақанинг таъсирчанлигини ошириш, муқобил планлар, илғор тажрибаларни кенг ёйиш сингари масалаларга ҳам катта эътибор берилмоқда. Жумладан, «Компрессор» заводининг пропагандистлари Р. Н. Аҳмедов, А. Н. Чанишев, А. Т. Султонов, Н. Юсуповлар машғулотларда 1976 йилги шахсий ижодий планларнинг иқтисодий жиҳатдан асосланганлиги масалаларини қараб чиқдилар.

КПСС Марказий Комитети декабрь (1975 йил) Пленуми материалларини ва КПСС Марказий Комитетининг партия XXV съездига лойиҳасини ўрганишни уюштиришда сиёсий маориф ва иқтисодий таълим кабинетларининг роли каттадир. Уларнинг пропагандистларга қандай методик йўлланма бераётганлиги машғулотлар самарадорлигига жуда катта таъсир кўрсатади. Бу соҳада Тошкент авиабўлинмаси сиёсий маориф кабинетида таҳсинга лойиқ тажрибалар тўпланган.

Декабрь Пленуми материалларини ва КПСС Марказий Комитетининг лойиҳасини кенг пропаганда қилишда лекторлар ва сиёсий докладчилар, «Билим» жамиятининг аъзолари ҳамкорликда иш олиб бормоқдалар. Шаҳар партия комитети ва район партия комитетларининг йўлланмалари билан 500 дан зиёд партия, совет ва хўжалик раҳбар ходимлари, олимлар, халқ хўжалиги мутахассислари пойтахт корхоналари ва муассасаларида, мактаб ва семинарларнинг тингловчилар олдида доклад ва суҳбатлар ўтказдилар.

КПСС Марказий Комитетининг партия XXV съездига лойиҳасини ўрганиш жараёнида мактаб ва семинарларнинг тингловчилари барча ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчилар КПССнинг ички ва ташқи сиёсатини, унинг жаҳонда тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган ва совет кишиларининг турмуш даражасини оширишга қаратилган амалий фаолиятини қизғин маъқулладилар.

Ўнинчи беш йиллик бошланишида Ўзбекистон пойтахтидаги корхоналарнинг бир группа илғорлари ва новаторлари ўнинчи беш йилликда икки беш йиллик топшириқларини бажариш ташаббуси билан чиқдилар. Шаҳримиздаги корхона ва қурилишларнинг илғор олтита бригадаси «Беш кунлик план — тўрт кунда!» шиори остида ишлашга аҳд қилди. Куни кеча Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети республикамизнинг ўн донгдор меҳнаткашлари ташаббусини маъқуллади.

Ана шу ташаббусларнинг ҳаммаси ўнинчи беш йилликда янада самарали, юксак сифат даражасида ишлашга қизғин интилиш билан йўғрилгандир. Илғорларнинг ташаббуси Тошкент корхоналари ва қурилиш ташкилотларида кенг қўллаб-қувватланмоқда. Новаторларнинг марралари ҳар бир меҳнат коллективининг мулки бўлиб қолишига пойтахт агитаторлари ва пропагандистлари, идеология фронтининг барча ходимлари ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Ю. ЛОГИНОВ.

«Ўзбекистон съезддан съездгача»

Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг павильонларидан бирида янги экспозиция очилди. «Ўзбекистон съезддан-съездгача» деб аталган бу экспозициянинг номиёқ, унинг мазмунини ифодалаб турибди. Бу ерда республика меҳнаткашларининг КПСС XXIV съезди тарихий режаларини амалга ошириш борасида эришган муваффақиятлари тўғрисида ҳикоя қилувчи, КПСС XXV съездини ва Ўзбекистон Компартиясининг XIX съездини қандай совғалар билан кутиб олаётганлигини кўрсатувчи фотосуратлар намойиш этилмоқда.

Суратлар виставкани келиб кўрувчиларни халқ хўжалигининг турли тармоқларидаги ходимларнинг шонли ишлари билан таништиради. Ҳар бир бўлим илҳомбахш меҳнат вазияти ҳақида ҳикоя қилади.

Экспозициянинг марказида беш йиллик қаҳрамонларининг, социалистик мусобақа пешқадамларининг суратлари кўзга ташланиб турибди. Тошкентлик тўқувчи Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Лидия Павловна Казанцеванинг фотосурати кўзга кўринарли жойга қўйилган. Беш йилликда икки беш йиллик топшириқни бажариш юзасидан ўз зиммасига олган мажбуриятларини муваффақиятли адо этганлиги туфайли, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бу аёлни қизғин табриклаган эди.

[ЎзТАГ].

Қимматли қурилма

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси электроника институтининг олимлари фан соҳасида катта ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Куни кеча институтнинг бир группа ходимлари: М. Эстерлис, С. Келберт, А. Тожиев, Ш. Раҳимова, Э. Дадаматовларга СССР Министрлар Совети ихтиролар бўйича Давлат Комитетининг авторлик гувоҳномаси берилди.

Улар «Электр ёйи ёрдами билан қопламалар олиш учун қимматли қурилма» ясадилар.

А. ШАЙХОВ.

Комсомолнинг кучи— партия раҳбарлигида

«Партия раҳбарлиги остида,—деган эди ўртоқ Л. И. Брежнев ВЛКСМнинг XVII съездидаги нутқида,— комсомол ленинчасига яшаш ва ишлашга, коммунистик идеаллар тантанаси учун курашишга ўзи ҳам ўрганмоқда, ёш авлодни ҳам ўргатмоқда. Комсомоллар ҳамма ерда олдинги марраларда бормоқдалар. Қаердаки оташин қалб, синчков ақл, зўр ғайрат ва ташаббус зарур бўлса, комсомоллар ўша ерда тайёр турибдилар».

Комсомолнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги иштироки, Ватан иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш, фан, техника, маданиятни ривожлантиришга қўшаётган ҳиссаси доимо ортиб бормоқда. Шу билан бирга комсомолнинг йигит ва қизларни белгиланган вазифаларни ҳал этишга, уларнинг хўжалик ва маданий қурилишда кенг иштирок этишга сафарбарлик роли ҳам ортиб бормоқда.

ТОШКЕНТ шаҳар партия ташкилоти КПСС XXIV съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XVIII съезди қарорларига амал қилиб, кейинги йилларда шаҳар комсомол ташкилотига партиявий раҳбарлик даражасини оширишга, уларнинг ёшлар билан олиб борадиган ишларининг самарасини оширишга қаратилган бир қатор тадбирларни амалга оширди.

Комсомолга раҳбарликни бундан буён янада такомиллаштириш масалалари шаҳар ва район партия комитетларининг пленумларида муҳокама қилинди, шаҳар илмий-амалий конференцияси ҳам ана шу мавзуга бағишланди, шаҳар ва район партия комитетларининг бюроларида бошланғич партия ташкилотларининг ана шу масалага қаратилган фаолиятлари муттасил кўриб борилмоқда.

Партия органлари комсомол кадрлари ва активларини танлаш, уларни жой-жойига қўйиш ва тарбиялашга катта эътибор бериб келмоқда. Шаҳар партия комитетининг Марксизм-ленинизм университетида раҳбар комсомол ходимлар бўлими уч йилдан буён ишлаб келмоқда.

Шаҳар партия комитети комсомол ташкилотларининг иш даражасини ошириш мақсадида ўнлаб ёш коммунистларни комсомол ишига юборди. Бу шаҳар комсомол ташкилотидаги партия ядросини икки баравар ошириш имконини берди. Комсомолда ишлайдиган коммунистларнинг шаҳар ва район йиғилишлари бўлиб ўтди.

Шаҳар комсомол ташкилотлари партия, совет, хўжалик, касаба союз, халқ контроли органларида кенг иш олиб бормоқдалар, улардан ҳаётнинг, меҳнат ва ёшлар турмушининг ҳамма масалаларида зарур ёрдам олиб турибдилар ва қўллаб-қувватланмоқдалар.

Ана шу тадбирларнинг ҳаммаси бошланғич партия ташкилотларининг комсомолга раҳбарлик даражасини ошириш имконини берди. Бу эса, ўз навбатида шаҳар комсомол ташкилотининг ишларида ижобий натижа бермоқда.

Биргина мисол.

Икки йил муқаддам Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли фирма комсомол ташкилоти бу ердаги ёшлар союзи ўртасида интизомнинг пастлиги, ёш ишчиларнинг меҳнат активлигини ривожлантиришдаги жиддий камчиликлар, социалистик мусобақа суст уюштирилганлиги, ғоявий-сиёсий ҳамда маданий-оммавий ишлар пасайиб кетганлиги учун шаҳар комсомол органи томонидан жиддий танқид қилинган эди. Корхона комсомоллари ўз йиғилишларида ҳам ана шу ҳақда гапирдилар.

Шунинг учун ҳам шаҳар партия комитетининг 1973 йил декабрь ойидаги бюросида фирма партия комитетининг комсомол ташкилотига раҳбарлик юзасидан олиб борган ишлари тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Фирма партия комитети тўғри хулоса чиқарди. Шаҳар партия комитети бюроси қабул қилган қарорни ўзининг кенгайтирилган кенгашида кўриб чиқди ва партия ташкилотининг комсомоллар билан олиб борадиган ишларини яхшилаш юзасидан аниқ тадбирлар белгилади.

Комсомол ташкилотининг жанговарлиги бирмунча ортди, унинг ёшлар билан олиб борадиган тарбиявий ишлари самарадорлиги ошди. Корхона комсомолларининг сафи кенгайди, уларнинг уюшқоқлиги ва интизоми сезиларли даражада мустаҳкамланди.

Икки йил мобайнида 120 дан ортиқ йигит-қиз комсомолга қабул қилинди, 43 энг яхши комсомолга партияга кириш тавсиянома берилди.

Фирмада касб маҳорати конкурси муттасил олиб борилмоқда. Бу конкурс ёш ишчиларнинг касб даражасини ошириш, «Корхонанинг энг ёш яхши ишчиси» номини олиш учун мусобақаларнинг муваффақиятли ўтишига имкон берди». «КПСС XXIV съезди қарорлари —ҳаётга» ленинча имтиҳон даврида барча комсомоллар шахсий планлар комплексини қабул қилдилар.

Буларнинг ҳаммаси 300 ёш ишчининг беш йиллик шахсий топшириғини муддатидан илгари бажаришига, тўққизинчи беш йиллик охирида 474 ёш ишчининг «Коммунистик меҳнат зарбдори» номини олишига имкон берди.

Фирма комсомолларининг Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети томонидан маъқулланган «КПСС XXV съездига — 25 зарбдор декада» тўғрисидаги ташаббуси шаҳар комсомол ташкилотлари ўртасида кенг қўллаб-қувватланди.

Кейинги йилларда «Миконд», «Таштекстильмаш» заводи, «Жилстрой» трести ҳамда бошқа кўпгина корхона ва ташкилотлардаги комсомол ташкилотларининг ишлари сезиларли даражада активлашди. Пойтахт комсомол ташкилотлари ёшларнинг халқ хўжалик планлари ва социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини янада ошириш каби масалаларда бирмунча мақсадга мувофиқ ва амалий иш олиб бормоқдалар.

11 минг йигит ва қиз, 400 комсомол-ёшлар коллективи, яъни ҳар уч комсомол аъзосининг бири шахсий беш йиллик топшириғини муддатидан илгари бажарганлиги, «Тўқкизлар ташаббуси»нинг издошлари бўлган 53 ёш ишчи бир беш йилликда икки беш йиллик меҳнат нормасини бажарганлиги ана шундан гувоҳлик бериб турибди.

Шаҳар комсомоллари бугунги кунда меҳнатдаги катта дўстлари билан КПСС XXV съезди ҳамда Ўзбекистон Компартиясининг XIX съездини муносиб кутиб олишга тайёргарлик кўрмоқдалар. Уларнинг барча эзгу ниятлари ва интилишлари ўнинчи беш йилликнинг биринчи йили план ва мажбуриятларини муддатидан илгари бажаришга, КПСС Марказий Комитетининг декабрь (1975 йил) Пленуми талабларини ҳаётга тадбиқ этишга қаратилгандир. Шаҳардаги 208 минг комсомолларнинг бари Ленин комсомолининг КПСС XXV съездига йўллайдиган рапорти остига имзо чекиш ҳуқуқига эга бўлиш учун бошланган мусобақада қатнашмоқдалар.

«1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида» КПСС Марказий Комитетининг партия XXV съездига лойиҳасида ҳамда КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини ошириш учун, 1976 йилги халқ хўжалик планини муваффақиятли бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисида»ги қарорида баён этилган улуғвор планлардан илҳомланган шаҳарнинг йигит ва қизлари юксак социалистик мажбуриятлар қабул қилдилар ва ана шу мажбуриятларни амалга ошириш йўлида зўр бериб меҳнат қилмоқдалар.

Яқинда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан маъқулланган «Ўнлар ташаббуси»ни бошлаганлардан бири — Тошкент тўқимачилик комбинатининг донгдор тўқувчиси А. С. Верзилинанинг «Ёшлар мураббийларга тенглашсин» деган шиори ҳар бир меҳнат коллективида кенг қўллаб-қувватланиши ҳамда ҳаётга тадбиқ этилиши керак.

Ана шу мураккаб масалаларни муваффақиятли ҳал этиш учун бошланғич ва цех комсомол ташкилотларидан юксак уюшқоқлилик, мустаҳкам интизом, катта ғайрат, тинимсиз ижодий изланиш талаб қилинади. Бунда уларга партия ташкилотлари оталарча ғамхўрлик кўрсатишлари, қўллаб-қувватлашлари ва эътибордан четда қолдирмасликлари керак.

Афсуски, партия ташкилотлари орасида комсомол ташкилотлари иши паст даражада эканлиги билан муросасозлик қилиб келаётган, комсомолга партия раҳбарлигининг ҳозирги замон талабларидан тегишли даражада амалий хулоса чиқариб олмаган партия ташкилотлари ҳам бор. Кейинги пайтларда «Отделстрой» трести, «Электроаппарат» бирлашмасининг бош заводи, экскаватор заводи ҳамда бошқа бир қатор корхона ва ташкилотларнинг комсомол ташкилотлари ўз имкониятларидан паст даражада иш олиб бормоқдалар.

«Комсомолнинг кучи партия раҳбарлигида»—партиянинг бу шиори мавҳум формула эмас, балки у кундалик ҳаётимизда амалга ошириб келинаётган ҳақиқатдир. Бу ҳақиқат ҳар бир бошланғич партия ташкилотининг амалий фаолиятида, комсомол ташкилотларининг йигит ва қизларни коммунистик руҳда тарбиялаш, уларни ўнинчи беш йиллик планлари ҳамда социалистик мажбуриятларнинг муваффақиятли бажарилишида сафарбар этиш ишларида ўзининг ёрқин ифодасини топиши керак.

В. АРДАТОВ,
Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ташкилий бўлим мудирининг ўринбосари.

ИЛҒОРЛАРГА БАЙРОҚЛАР

1975 йилнинг тўртинчи кварталида Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси якунларига кўра Фарғонадаги нон маҳсулотлари комбинатига ва Тошкентдаги тегирмон заводига СССР Тайёрлаш министрлиги ва соҳа касаба союзининг кўчма Қизил байроқлари берилди. Фарғоналик ва тошкентлик тегирмончилар ўтган йилнинг сўнгги кварталида пландан ташқари кўплаб юқори сортли ун етказиб бердилар, меҳнат унумдорлигини ўстириш юзасидан топшириқни ошириб бажардилар.

(ЎзТАГ).

ПЛАНГА ҚЎШИМЧА

Меҳнат Қизил Байроқ орденли Марказий универсал магазини коллективи ўтган ой топшириғини 30 кунда бажарди. Ҳаммаси бўлиб 7 миллион 912 минг сўмлик савдо қилинди.

Беш йилликнинг биринчи йили юксак социалистик мажбуриятни бажаришга киришган коллектив ўтган ойда планга қўшимча 300 минг сўмлик буюмни реализация қилди.

БУ—ҲАР БИРИМИЗНИНГ ВАЗИФАМИЗ

ТИКУВ бирлашмасидаги биз, ҳозирги ветеранларнинг ҳар биримиз ҳам ишлаб чиқаришга келганимизда ўз мутахассислигимиз бўйича ҳеч қандай ишни қила олмас эдик. Бизнинг ҳар биримизга кимдир касб ўргатган, бунга вақтини, қалб қўрини сарфлаган, ўз тажрибаларини узлуксиз ўртоқлашган. Шундан буён кўп йиллар ўтиб кетди. Лекин сенга иш ўргатган, меҳнатга меҳр уйғотган, жамиятимизнинг муносиб кишиси бўлиб етишишда муҳим роль ўйнаган шундай саҳий қалб эгаларини унутиб бўладими?

Мен ёшларга нисбатан эътиборли ва меҳрибон бўлишга ҳаракат қилдим, шунинг учун ҳам мураббий бўлдим. Мен каби ишчилар ўринбосарларини тайёрлаш тўғрисида ғамхўрлик кўрсатаётган ветеранлар бугунги кунда корхонада 179 кишини ташкил этади. Буларнинг кўпчилиги коммунистлардир.

Коллективимизда мураббийлик ҳаракати бир неча йил муқаддам бошланган. Партия комитети бюросининг кенгайтирилган йиғилишларидан бирида корхонада ўсмирларни тарбиялаш масаласи эшитилди. Бюро ўсмирлар билан иш олиб бориш учун махсус инспектор тайинлаш тўғрисида маъмуриятдан сўрашга қарор қилди.

Маъмурият бу масалани тез ва ижобий ҳал қилди. Орадан бир ой ўтгач, инспектор Р. М. Шлумпер балоғатга етмаган ишчилар рўйхатини тузди, уларнинг меҳнатини ташкил этиш ва иш шароитини кўздан кечирди. Шундан кейин у цехлардаги ишчи кадрлар билан ёш ўринбосарларга ғамхўрлик кўрсатиш ва масъулиятли бўлиш тўғрисида суҳбатлар олиб борди. Шунда энг тажрибали тикувчилардан коммунист А. Денисова, В. Васильева, Ш. Султонова ва бошқалар ёш ишчиларни ўз оталиқларига олишга қарор қилдилар. Мен ҳам коммунист сифатида ана шу муҳим ишдан четда қолмадим.

Ҳозирги пайтда бирлашмада мураббийлик фаолиятини корхонанинг кекса ишчиси, мастер О. Ф. Иванова бошчилик қилаётган мураббийлар совети координация қилади.

Совет ҳар ҳафтада бир марта йиғилиш ўтказиб туради. Унда ёш ишчилар маҳоратининг ўсиши, иш нормасини бажариши, ишлаб чиқариш ва турмушдаги аҳлоқи, ўқишга муносабати каби масалалар муҳокама этилади.

Совет энг яхши мураббийлар тажрибасини ўрганиб, уни бутун коллективга ёяди. Ана шу мақсадда бирлашмада икки йилдан буён мураббийликни ташкил этишнинг энг яхши формаси бўйича конкурс ўтказиб келинмоқда. 1974 йилда В. И. Васильевага, ўтган йили эса, Т. Д. Игумновага биринчи ўрин берилди.

Менга келганда ўтган йили бир неча қизга ўз касбимни ўргатдим. Шогирдларим Х. Юнусова, А. Ҳусанова, С. Аҳмедовалар яхши ишчи бўлиб етишганликлари ва смена топшириқларини 120— 130 процентдан адо этаётганликлари мен учун қувончлидир.

Бу йил мен тикув цехидан бичиш цехига ўтдим ва тезда ҳунар-техника билим юртини яқинда битириб келган Анвар Ғайнуллинга мураббийлик қила бошладим.

Билганларимнинг ҳаммасини унга ўргатаман, унинг ўзига нисбатан ишонч ҳис-туйғуси кун сайин ортиб бораётганлигини кўриб турибман. Унинг техникумдаги ўқишини ҳам кузатиб бораман. Бирлашмамиздаги ҳамма ёшлар мактаб, техникум ва институтларда ўқийдилар.

Ёшларку майли-я, биз, ишчи кадрлар ҳам ўқимоқдамиз. Корхонада ишлаб чиқарилаётган буюмлар ассортименти йил сайин мураккаблашиб бормоқда, сифатга бўлган талаб ортмоқда, газламаларни ҳам ҳозир бошқача қабул қиламиз. Биргина мен эмас, балки кўпгина мураббийлар 19-ишчи-ёшлар мактаби қошидаги мастерлар синфида ўқиймиз.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Ишлаб чиқариш самарадорлигига иш сифатини ошириш учун, 1976 йилги халқ хўжалик планини муваффақиятли бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисида»ги қарорига жавобан, биз Анвар билан биргаликда ўнинчи беш йилликнинг биринчи йили учун социалистик мусобақа қабул қилдик. Унда шундай деб ёзилган: «Мен ўз планимни 115 процент, Анвар эса, 100 процент бажарамиз. Анварга учта аралаш касб ўргатаман».

Ҳар бир тажрибали ишчининг, айниқса коммунистларнинг бурчи— бир-икки шогирдга ўз касбини ўргатишдан, у маданий киши, коммунизм қурувчиси бўлиб етишиши учун ғамхўрлик кўрсатишдан ва бу ишда қалб қўрини аямаслиги керак, дейман. Бу — ҳар биримизнинг вазифамиздир.

И. ОЛЕНИЧЕВА,
Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикув ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси.

СУРАТДА: И. Оленичева ва А. Ғайнуллин.

Давр билан ҳамнафас

ЎЗБЕКИСТОН КИНОҲУЖЖАТЧИЛАРИНИНГ РЕСПУБЛИКА КОМПАРТИЯСИ XIX СЪЕЗДИГА БАҒИШЛАНГАН ЛЕНТАЛАРИ ҲАҚИДА

«...Кўнглим қандай ором олганини билсанг эди, қадрли Ҳамид. Қачонлардир, бундан 18 йил муқаддам мен Мирзачўлни ўзлаштиришга аҳд қилган иродали кишилар ҳақида ёзган эдим. Мана, 18 йилдан кейин мен ирода нима эканини яхшироқ пайқадим. Улар ўз иродаларини тўла намоён қилдилар. Чинакам оғир ишни амалга оширдилар. Одамларнинг яхши ишларини кўрганингда кўнглинг ором олади, бу туйғуларни экран орқали бошқалар билан ўртоқлашгинг келади».

Ўзбекистон илмий-оммабоп ва хроникал-ҳужжатли фильмлар студиясининг янги рангли, кенг экранли «Мирзачўл» кинолентаси Константин Симоновнинг Ҳамид Ғулом билан ана шу суҳбатидан бошланади.

Фактлар ва далиллар билан, ўтмиш ва бугунги кунни қиёслаш билан ишонтириш чинакам кинопублицистиканинг муҳим хусусиятларидан биридир.

Шу нуқтаи назардан қараганда, сценарий авторлари — Малик Қаюмов, Ҳамид Ғулом, Константин Симонов, режиссёр И. Гибалевич ва оператор К. Ҳасановлар фильмни композицион жиҳатдан тўғри тузганлар: унда бугунги куннинг ҳужжатли кадрларига кенг ўрин берилган. Зарур бўлиб қолганда эса ўтмиш хроникаси бериладиги ёки кадр ортидан Константин Симоновнинг сал бўғиқ, ўзига хос таъсир кучига эга бўлган овози жаранглайди.

Фильм инсон ақли ва меҳнатига ўқилган ўзига хос мадҳиядир. У ўзининг юксак пафоси ва самимияти, майинлиги билан томошабинни илк дақиқаларданоқ сеҳрлаб олади. «Мирзачўл» публицистик лентасининг бу қирралари хилма-хил ва ўзига хос Константин Симонов, Ҳамид Ғулом ва Малик Қаюмов каби санъаткорларнинг улкан ижодий дўстлиги самарасидир. Мирзачўл ўзлаштирувчилари мисоли совет кишилари амалга ошираётган бунёдкорона ишлар, мамлакатимиз халқларининг буюк дўстлигини кўрсатиш иштиёқи уларни бирлаштирди.

Фильм эпизодларидан бирида пахта чаноғи қандай очилаётгани кўрсатилган. Шу пайтда экрандан Симоновнинг овози янграйди: «Экранда у жуда тез очилади... Аслида эса бунинг учун баҳор, ёз ва куз ўтиши зарур. Мана шу уч граммдан сал оғирроқ чаноқ ўн литр сув талаб қилади. Бир тонна пахтага эса 3 миллион литр сув керак. Миллион тоннагачи?»

Бу савол бежиз қўйилмаган. Чунки ундан олдин экрандан биз республикада хизмат кўрсатган ирригатор Татьяна Ивановна Колпакованинг нутқини эшитамиз. Бу аёл Владимир Ильич Ленин имзо чеккан декретни гражданлар уруши фронтлари орқали олиб келганди. Ўша декрет Мирзачўлни ўзлаштиришни бошлаб берди. Унинг ҳикоясидан кетмон билан қазилган дастлабки ариқлар ҳақида эшитамиз. Шундан кейин қудратли бульдозерлар ва бошқа замонавий техникалар намоён бўлади.

Фильм сўнгида экранда бугунги кун манзаралари — собиқ чўл ўрнида барпо этилган серҳосил боғлар, шўр босган ерлар ўрнида пайдо бўлган ям-яшил пахтазорлар, қад кўтарган янги уйлар ва кварталлар, ирригацион каналларда милдираб оқаётган сувлар пайдо бўлганда сув ва пахта учун курашни бошлаб берганлар ва ўша давр акс этган кадрлар кўз ўнгимиздан кетмайди.

Албатта, ўзининг бутун қалб қўрини мураккаб, аммо олижаноб ишга — янги ерларни ўзлаштириш, республикамизнинг асосий бойлиги — пахта ҳосилдорлигини оширишга бағишлаётган кишилар сиймоси ҳам хотирамизда муҳрланиб қолади.

Фильмда одамлар кинопублицистика жанри талаби бўйича меҳнат фонида тасвирланган. Бу тасвир илиқ ва самимий. Лента қаҳрамонлари Зокиржон Санақулов, Инобат Охунова ва бошқалар кўз олдимизда ҳаётий, бутун вужуди билан ўз севган ишига берилган кишилар сифатида намоён бўлади. Улар ҳақида Константин Симонов экран орқали ҳикоя қилади. Зокиржон Санақулов ҳақида: «...У пахтакор ҳам, ўқитувчи ҳам, райком секретари ҳам бўлган. Уруш пайти эса разведкачилик қилиб, урушдан яна пахтазорга қайтди — совхоз директори бўлди...» Инобат Охунова ҳақида: «У дастлаб колхозчи, кейин механизатор, сўнгра эркаклар бригадасига бригадир бўлди. Бу пайтда у кундузи эркакларга раҳбарлик қилар, оқшомлари эса пол юварди. Чунки, бу иш эркакларга нолойиқ ҳисобланади. Бугун у йирик совхоз директори ва СССР Олий Советининг депутати». Бошқа фидойилар — ишчилар, ирригаторлар, олимлар, механизаторлар, пахтакорлар ҳақида ҳам ана шундай ҳикоялар эшитамиз.

Фильмнинг якуни ҳам ўзига хос. Фильм муаллифлари қақраган ерларни ўзлаштиришда қўлга киритилган улкан ютуқлар, ўтган йилнинг рекорд ҳосили, собиқ чўл ўрнидаги гуллаган боғлар ҳақида, ҳозирги ва келажак ҳосилни ўйлаб Мирзачўлда бир миллиард 180 миллион кубометр тупроқ сурилганлигини айтиб «демак, Мирзачўл тугайдими?» деган савол қўядилар.

Экрандан яна Симоновнинг овози янграйди: «Йўқ, тугаган эмас». Чунки Мирзачўл ҳали ўзининг барча имкониятларини очгани йўқ. Уни тўла бўйсундириш бир куннинг иши эмас. Чунки кишилар ягона мақсад билан олға интилишга, янги-янги марраларни эгаллашга ўрганиб қолишган. Ерга ҳаёт бахш этиш, дўстнинг кўмагини ҳис қилиш бахти ҳақида фильм ишончли ва эркин ҳикоя қилган.

«Мирзачўл» фильмини ўзбек киноҳужжатчиларининг республика Компартияси XIX съездига бағишланган бошқа янги уч лентаси билан биргаликда олиб кўрсак, инсон қўли яратаётган буюк ўзгаришлар, мамлакатимиз халқларининг қардошлик оиласида республикамиз қўлга киритган ютуқлар янада яққол намоён бўлади. Булар — «Ўзбекистон ўғли» (сценарий автори К. Икромов, режиссёр Б. Музаффаров), «Файзулла Хўжаев» (сценарий автори Г. Димов, режиссёр Р. Раҳимбоев), «Саҳий қалбли инсон» (сценарий автори Р. Раҳмонов, режиссёр Е. Дурмусўғли) лентларидир.

Бу лентaларнинг қаҳрамонлари — Совет ҳокимиятининг дастлабки йиллари ва Улуғ Ватан уруши давридаги республикамиз партия ва ҳукумати раҳбарлари — Акмал Икромов, Файзулла Хўжаев, Абдужаббор Абдураҳмоновлардир.

«Мирзачўл» фильмидан фарқли ўлароқ, бу лентaларда архив, фото ва кино материалларига катта ўрин берилган. Бу ерда архив ҳужжатларига кенг мурожаат ўзини оқлайди. Ўтмиш кадрлари лента қаҳрамонларининг фикр ва ишларини чуқурроқ тушунишга ёрдам беради, ўша кунлар руҳини томошабинга тўлароқ етказади.

Акмал Икромов ҳам, Файзулла Хўжаев ҳам мамлакатимизнинг пахта мустақиллиги ҳақида ўйлардилар. Ўзбекистон «Оқ олтин» ўлкаси бўлиши учун кучларини аямасдилар. Республика экономикаси, жумладан, пахтачилик тараққиёти учун А. Абдураҳмонов ҳам кўп ишлар қилди.

«Мирзачўл» фильмида республикамизнинг ўтган йилги улкан хирмонларини кўрганимизда, бу бойликларни яратиш йўлида илк қадам ташлаган, ўз ҳаётини халққа хизмат қилишга, унинг нурли эртаси учун курашга бағишлаган кишиларни миннатдорчилик билан ёд этамиз.

Ўзбек киноҳужжатчилари КПСС XXV съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XIX съезди арафасида яратган фильмлар бир-бирини тўлдиради, ўз Ватанининг чинакам ватанпарвари бўлган бунёдкор коммунистнинг умумлашган образини яратади.

Ю. КАЗАЧЕНКО.

● Умри боқий дўстлик

Вьетнамлик дўстлар ташаккури

«ВДРда социализм қуриш йўлидаги самимий ёрдам учун ташаккур белгиси сифатида». Бу сўзлар Вьетнам Демократик Республикаси ҳукумати ўзбек балетмейстери Иброҳим Юсуповни мукофотлаган ёрлиқдаги сўзлардир. Бизнинг ҳамюртимиз ёрлиқдан ташқари дўстлик медалига ва у бир йил мобайнида машғулот ўтказган Ханой хореография билим юрти ўқитувчилари ва талабаларининг самимий ташаккурига сазовор бўлди.

Иброҳим Юсупов Вьетнамга контрактда белгиланган топшириқ билан: билим юртининг педагогларига классик рақсни ўқитиш методикасини ўргатиш билан бирга назарий билимларни амалий машқлар билан мустаҳкамлаш ниятида борган эди. Программада шулар кўзда тутилганди, лекин Вьетнам диёридаги дастлабки учрашувлароқ, дастлабки дарсларoқ янги орттирилган дўстлар учун хоҳланган ишларнинг ҳаммасини биронта программа доирасига сиғдириш мумкин эмаслигини кўрсатди. Иброҳим Юсупов ажойиб қилиб жиҳозланган бинолар, бир қанча репетиция залларидан иборат комплекси бор бўлган билим юртида ишлади. Бу билим юрти Демократик Республика пойтахтидаги санъат саройида жойлашган эди. Ундан сал нарироқда эса театр ва цирк мактаби жойлашган. Ҳозир шундай. Лекин билим юрти очилганига 15 йил бўлди ва ана шу вақтнинг кўпроқ қисмини чангалзорда ўтказди. Уруш борарди, одам асло ўтолмайдиган ўрмонларнинг дарахти кесиб ташланган майдончаларда машғулотлар ўтказиларди. Ўша вақтдаги шогирдлардан кўплари эндиликда билим юртида ўзлари дарс беришмоқда ва совет хореография усталаридан таълим олишмоқда.

— Ўқитувчиларнинг ҳам, талабаларнинг ҳам билим олишга бўлган жуда катта интилиши мени ҳайратда қолдирди, — деди тошкентлик балетмейстер. — Программа ғоят тиғиз ва мураккабдек туюлса ҳам, лекин одамлар келишиб тағин дарс берилишини илтимос қилар, у ёки бу бўлимга оид машғулотларда қатнашишни сўрашарди. Улар ўз ишларини деб неча-кундузи меҳнат қилишга тайёр эканликлари сезилиб турарди.

И. Юсупов вьетнамлик дўстларига бўлган ўзининг ҳурмат-эҳтиромини, уларнинг мардлиги, ғайрати, келажакка бўлган ишончидан фахрланганлигини А. Н. Скрябиннинг ўн иккинчи этюди музикаси асосида — «Лагердан қочиш» хореографик картинасида ифода этди. Бу картинада Вьетнам халқининг ўз озодлиги учун курашдаги қаҳрамон аёлларидан бирининг образи яратилган.

Ханой билим юртининг концерт программасига П. И. Чайковскийнинг «Оққуш кўли» балетидан И. Юсупов томонидан тайёрланган иккинчи пардаси, А. И. Хачатуряннинг «Спартак» балетидан дуэт ва миср рақси, «Сўна» кинофильмидан Д. Д. Шостакович романсига композиция киритилди.

Мактаб талабалари ва педагоглари ўзларининг Совет Иттифоқидан келган ўқитувчилари билан биргаликда берган концертлардан бири ҳам И. Юсуповнинг хотирасида умрбод қолади. Бу концерт Нам Динь деган кичикроқ бир қишлоқнинг чеккасида қўйилди. Чангалзор бошланиб кетадиган даланинг ўртасида чоғроқ саҳна ўрнатилди. Артистлар юзта-иккита юзта томошабин келади деб мўлжаллаган эдилар. Мингдан ортиқроқ киши тўпланди. Одамлар қўлларида бамбукдан ясалган енгил курсиларни кўтаришганича бир неча ўн километр жойдан келишди. Жазирама иссиқдан кейин салқин тушиб бу антиқа концерт залини чароғон этган прожекторлар ёқилганида концерт залининг поёни йўққа ўхшарди. Чайковский музикаси билан Вьетнам рақс куйи қўшилиб напалм бомбалари ёндирган ўрмон узра янграрди.

С. ФРОЛОВА,
ЎзТАГ мухбири.

Республикамизда турли авлодларга мансуб бўлган мўйқалам усталари ижод қиляпти. Замондошларимиз қўлга киритаётган муваффақиятлар, меҳнат зафарлари уларни янги-янги асарлар яратишга ундаяпти.

Яратилаётган асарлар мавзуси ҳам ранг-баранг. Мўйқалам усталари замондошларимизнинг меҳнати, орзу-ўйлари, интилишлари билан бирга Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида фидойилик кўрсатган, Улуғ Ватан уруши йилларида ғалабага ҳисса қўшган, урушдан кейинги йилларда эса Ватан фаровонлиги йўлида меҳнат қилган кишилар сиймосини ҳам ўз асарларида акс эттирмоқдалар.

СУРАТДА: Республика санъат музейи залларида намойишга қўйилган асарлар. Ўзбекистон ССР халқ рассоми В. И. Уфимцевнинг «Ер ва келажак ҳақида», Н. Э. Федоридисининг «Ҳамза» асарлари.

Республика ҳақида

«Ўзбекистон» нашриёти томонидан чиқарилган тўртта янги брошюрага «Съезддан — съездгача» деган сўзлар ёзиб қўйилган.

Шу туркумдаги брошюраларнинг биринчиси «Ўзбекистон Компартиясининг ғоявий-ташкилий жиҳатдан янада мустаҳкамланиши» деб аталади. Бу китобча республика партия ташкилотининг фаолияти тўғрисида ҳикоя қилади.

«Тўққизинчи беш йилликда Ўзбекистонда саноат, транспорт ва алоқанинг ривожланиши», «Тўққизинчи беш йилликда Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги», «Ўзбекистон социалистик маданиятининг янада равнақ топиши» деган брошюралар босмадан чиқарилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институтининг илмий ходимлари бу китобчаларни нашрга тайёрлашган.

(ЎзТАГ).

ДОРИШУНОСЛАРНИНГ ЯНГИ ОТРЯДИ

Куни кеча фармацевтика институтининг 300 га яқин студенти давлат имтиҳонларини муваффақиятли топшириб, мамлакатимизнинг турли шаҳар ва қишлоқларига ишга жўнаб кетдилар.

Доришуносларнинг аъло баҳолар билан ҳаётга йўлланма олишида институт партия ва комсомол ташкилоти яхши имкониятлар яратиб берди. Уларнинг лабораторияларда иш олиб боришлари учун замонавий фармацевтика аппаратлари ўрнатилди. Дарсдан сўнгги вақтларини мазмунли ўтказишларида ҳам қатор тадбирлар ишга солинди. Бир неча минг китоб фондига эга кутубхона улар хизматида бўлди.

ИШЧИ ЎРИНБОСАРЛАРИ ТАЙЁРЛАЙМИЗ

ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТЛАРИ ХОДИМЛАРИ ШАҲАР АКТИВИ ЙИҒИЛИШИДАН

МАМЛАКАТ ҳунар-техника билим юртлари эндиликда жуда кўп ранг-баранг касб, ихтисос эгаларини етиштириб чиқармоқда. Тўққизинчи беш йиллик бошида шаҳримизда ҳаммаси бўлиб 18 та билим юрти бўлган бўлса, эндиликда уларнинг сони 36 тадир. Улар республика ишчилар синфи учун касбни пухта эгаллаган, меҳнатнинг турли жиҳатларини яхши билган 34 мингдан зиёд йигит ва қизни етказиб берди.

5, 9, 11, 14, 22, 63, 85, 124, 127-ва бошқа билим юртлари ишчи касбининг муносиб усталарини тайёрламоқда.

Кейинги вақтларда касб билан бирга ўн йиллик ҳажмида маълумот берадиган ҳунар-техника билим юртлари ёшларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Бундай билим юртлари уч марта, улардаги ўқувчиларнинг сони эса 8 марта кўпайди.

Ҳунар-техника билим юртлари ходимлари шаҳар активининг йиғилишида шаҳар ҳунар-техника таълими бошқармаси бошлиғи О. М. Битбеков ўз докладида шунга ўхшаш қатор факт ва рақамларни келтирди.

— Гап, албатта ҳунар-техника таълими системаси ривожланишининг сон жиҳатида эмас, — уқтириб ўтди докладчи, Билим юртларида ўқув-тарбия ишларининг мазмуни ҳам ўзгарди. Уларда методик кабинетлар ишлаб турибди. 194 та ўқув кабинети зарур ускуналар билан жиҳозланган. Ўқувчилар ишлаб чиқариш практикаси давомида муҳим топшириқларни бажариш ва ранг-баранг маҳсулотларни тайёрлашнинг уддасидан чиқмоқдалар. Билим юртлари бўйича 1975 йил ишлаб чиқариш фаолияти плани 105 процент, яъни 2 миллион сўмлик қилиб бажарилди.

Шаҳар билим юртларида бугунги кунда 660 олий маълумотли мутахассис, 4/3 ишлаб чиқариш таълими мастери ишламоқда. Улардан кўпчилиги олий ўқув юртларининг кечки ва сиртқи бўлимларида шуғулланмоқдалар. Энг қувонарлиси шундаки, ҳунар-техника билим юртларига ишга келаётган илғор ишчилар, мураббийлар касб маҳоратининг сирларини яхши биладиган кишилар бўлишлари билан бирга ёшларни астойдил севадиган, ишчи синфини тарбиялаш ишидек хайрли вазифага ўзининг куч ва ғайратини сарфлайдиган педагоглардир.

Бу соҳада Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли бирлашмани алоҳида қайд этиб ўтиш керак. Унинг энг яхши ишлаб чиқариш илғорлари 127-билим юртига келиб, группаларга раҳбарлик қилишмоқда. Улар орасида А. Н. Петрова, В. Н. Молотовалар бор. 2-билим юрти учун ишлаб чиқариш таълими мастерлари кадрларни тайёрлашда Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси жиддий эътибор бермоқда.

Алоқа министрлиги билан 4-билим юрти, «Узэлектромонтаж» билан 11-билим юрти, «Қизил тонг» тикув ишлаб чиқариш бирлашмаси билан 5, Матбуот Давлат комитети билан 9, тўқимачилик комбинати билан 85-билим юртлари ўртасида яхши алоқа ўрнатилган.

Кейинги йилларда билим юртларининг моддий-техника базаси янада мустаҳкамланганлигини қайд этиб ўтиш зарур. Улар шаҳар корхоналарининг бераётган турли техникаси, ишчи ускуналари, асбоблари ҳисобига мустаҳкамланиб бормоқда. Корхоналар билим юртларига амалий ёрдам кўрсатмоқда. Шаҳардаги барча билим юртларида ўқувчиларни танлаган касбига муҳаббат руҳида тарбиялаш борасида катта ишлар олиб бориляпти. Ана шу мақсадда билим юртларида қатор тадбирлар ўтказилиб, уларга ишлаб чиқариш илғорлари, билим юртларини тугаллаб, ҳозирда меҳнат зарбдорлари бўлган кишилар таклиф қилинмоқда.

Ўз касбига муҳаббат уйғотиш мақсадида ўқувчиларнинг техника ижоди кўрикларини ўтказишга эътибор берилди.

Кейинги йилларда ҳунар-техника билим юртларининг умумий ўрта таълим мактаблари билан алоқаси анчагина яхшиланди. Юқори синф ўқувчилари ўртасида касб танлаш бўйича истиқболли планларни тузиш анъанага айланиб қолди. Шаҳар мактабларида касб танлаш бурчаклари ташкил қилинган бўлиб, уларга, асосий билим юртлари ютуқлари қўйилган. «Мен ишчи бўламан» шиори остида слётлар ўтказилмоқда.

Билим юртларида группалар ва ўқувчилар ўртасида социалистик мусобақа кенг кўламда ривожланмоқда. Бунда ўқув ишлаб чиқариш кўрсаткичлари муваффақиятнинг замини бўлиб хизмат қилмоқда.

Докладчи ва актив йиғилишида сўзга чиққан Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари Х. Е. Ёқубжонова, 9-ҳунар-техника билим юрти директори М. И. Иброҳимов, 85-билим юрти партия ташкилоти секретари С. И. Биковцев, 5-билим юрти ўқув ишлаб чиқариш ишлари бўйича директор ўринбосари А. Е. Григоров ва бошқалар шаҳар ҳунар-техника билим юртлари ишида амалга оширилган ижобий ишларни қайд этиб ўтиш билан бирга кечиктириб бўлмайдиган вазифаларни ҳал қилишга доим эътибор бериш лозимлигини қайд этиб ўтдилар. Бу вазифалар болалар техника ижодини янада ривожлантириш, ўқув-тарбия ишларини такомиллаштириш, ўқитувчилар маҳорати ва ғоявий-сиёсий савиясини ошириш, билим юртлари ўқув ишлаб чиқариш базасини мустаҳкамлашдан иборат.

Республика маҳаллий саноат, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрликлари, «Узглавлеспром», «Главташкентстрой», «Узсельхозтехника», матбуот бўйича давлат комитети, туризм бошқармаси, ҳунар-техника билим юртлари бинолари қурилиши ва уларни ишга тушириш бўйича беш йиллик план топшириқларини таъминламадилар.

Капитал қурилиши планининг қаноатланарсиз бажарилиши туфайли 13 та билим юрти ёмон биноларда жойлашган. 128, 143, 149-159-билим юртларида устахоналар, зарур ускуналар, станоклар, механизмлар йўқ. «Союзхлопкомаш» бирлашмаси, экскаватор, «Компрессор» заводлари, 1 ва 2-пойафзал фабрикалари ўқувчилар учун ўқув-ишлаб чиқариш базасини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқариш практикасини ўтказиш учун зарур шароит яратишга етарли эътибор бермадилар.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг секретари В. В. Барабаш активда нутқ сўзлаб, шаҳар ҳунар-техника билим юртларида ўқув-тарбия ишлари савиясини янада ошириш, ёш малакали ишчилар тайёрлаш сифатини яхшилаш, ўқувчилар ўртасида касб танлашнинг форма ва методларини такомиллаштириш зарурлигини таъкидлаб ўтди.

Янги, ўнинчи беш йиллик — бу сифат ва самарадорлик беш йиллигидир. Шунинг учун ҳам яқин йилларда ҳунар-техника билим юртлари халқ хўжалигининг барча соҳалари учун муносиб кадрлар тайёрлаш ўчоғига айланиши, намунали ўқув юртлари бўлиши, таълимнинг илғор методларидан кенг ва унумли фойдаланиш, йигит ва қизларни совет халқининг энг яхши меҳнат анъаналари руҳида тарбиялашга эришишдан иборатдир.

Ҳунар-техника билим юртлари ходимлари шаҳар активи йиғилишида 1976 йилга социалистик мажбурият қабул қилинди.

СЪЕЗД ҚАРОРЛАРИНИ БАЖАРИБ...

ИСТИҚБОЛ РЕЖАЛАРИ

ТЎҚҚИЗИНЧИ беш йиллик Тошкентдаги Бош план институти учун таркиб топиш даври бўлди. Институт шаҳримизнинг бош лойиҳаловчи ташкилотига айланиб, халқ хўжалигининг деярли барча соҳасини ўнинчи беш йиллик учун истиқбол ривожланиш ҳужжатлари билан таъминлади. Тошкент маркази ва кўпгина турар жой районларини планлаштириш бўйича лойиҳалар тайёрланиб, саноат зоналари ва қисмларини жойлаштириш схемалари фойдаланишга топширилди. Тошкент ва Тошкент области социал-иқтисодий ривожланишининг асосий йўналишлари ишлаб чиқилди.

Лойиҳа-қидирув ишлари планининг бажарилишига архитектура кандидати Д. В. Латипов раҳбарлик қилаётган институтнинг биринчи бўлими, Д. М. Мушиев раҳбарлик қилаётган тўққизинчи, шунингдек 8,4 ва бошқа бўлимларнинг коллективлари катта ҳисса қўшдилар. Тўққизинчи беш йиллик мобайнида 8,4 миллион сўмлик лойиҳа ишлари амалга оширилди.

Янги беш йилликда ҳам коллективимиз олдида катта вазифалар турибди. Тошкентда қурилаётган уй-жойлар ва инженерлик коммуникация тармоқлари учун институтимиз 1976 — 1980 йиллар мобайнида 8,6 миллион сўмлик лойиҳа ишларини амалга оширишлари керак. Бу салмоқли ишларни лойиҳа-смета ишларини янада такомиллаштирмасдан амалга ошириш қийин. Институтнинг ҳисоблаш ва кўпайтириш — нусха кўчириш техникаси билан таъминланиши, ақлий меҳнатда фойдаланилаётган механизация даражасини ошириш лойиҳачиларимизга лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишда янги методларни ўзлаштиришга ва ташкилий, технологик усулларни яхшилаш йўлларини топишга имкон бермоқда.

Яқин келажакда институтимиз қайта реконструкция қилинаётган, Богдан Хмельницкий кўчасида қуриладиган ўзининг янги ишлаб чиқариш биносига эга бўлади. Бу бинонинг фойдаланишга топширилиши бизга ҳужжатларни электрография машиналари ёрдамида кўпайтирувчи янги мосламаларни жорий этиш имконини беради.

Бу йил смета ишларида фойдаланиш учун электрон-ҳисоблаш машиналарини амалда жорий этиш кўзда тутилган. 1976 йилнинг тўртинчи кварталида институтимизда «НАПРИ — 2» маркали эски ҳисоблаш машинаси ўрнига барча инженерлик ҳисоблашларнинг потенциал даражасини оширадиган «ЕС-1020» маркали энг кучли электрон-ҳисоблаш машинасини ўрнатиш кўзда тутилмоқда.

Келгусида лойиҳаларни рўйхатдан ўтказиш, уларни кўпайтириш, лойиҳа ҳужжатларини комплектлаш билан боғлиқ бўлган иккинчи даражали ишларни лойиҳа чиқарувчи бўлимга ўтказиш ҳисобига меҳнат унумдорлигини янада ошириш мумкин бўлади. Бу бўлим қўшимча кўпайтирувчи ва нусха кўчирувчи, шунингдек, муқоваловчи жиҳозлар олади. Институтимизда меҳнат унумдорлигини ошириш учун социалистик мусобақанинг форма ва методларини янада такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Мусобақа тўғрисидаги низом сифат беш йиллиги бўлган ўнинчи беш йиллик йўналишига ҳам тўла мос келади.

Тилга олинган комплекс тадбирларнинг ҳаммасини муваффақиятли амалга ошириш, сўзсиз, Бош план институтига Тошкентни тараққий эттириш ва реконструкция қилиш бўйича шаҳарсозлик проблемаларини илмий жиҳатдан ишлаб чиқишдек асосий вазифани ҳал қилиш имконини беради. Шаҳарни ҳамда Тошкент области ва Тошкент шаҳри атрофидаги зонани тараққий эттиришнинг районлар бўйича планлаштириш схемалари бош планини комплекс лойиҳалаш, шунингдек, келгусида уларнинг бош планларини лойиҳалаш ишларини амалга ошириш керак.

Биз бу вазифаларни бажаришимиз учун лойиҳалаш ва қурилиш амалиётида бу соҳадаги илғор методларни ва фан ютуқларини ишлаб чиқишимиз ҳамда жорий этишимиз зарур. Шунингдек, шаҳарни тараққий эттиришни ва уни ташкил этувчи объектларни жойлаштириш масаласини аҳоли жойлашиши, уларнинг дам олиши, меҳнаткашларга маданий-маиший хизмат кўрсатишни, транспортни ва инженерлик мосламаларини тараққий эттиришни ҳисобга олиб, илмий жиҳатдан ишлаб чиқиш тақозо этилади. Шаҳар ва шаҳардан ташқарига қатновчи транспортнинг барча турларини, транспорт иншоотлари ва йўлларини тараққий эттиришнинг комплекс истиқбол схемалари ҳам ишлаб чиқилиши керак.

Институтимиз шаҳарни сув билан, канализация, иссиқлик, электр, газ билан таъминлашни ривожлантириш, атроф муҳитни соғломлаштириш ва тараққий эттириш схемаларини яратиш бўйича ҳам катта ишларни амалга оширмоқда.

Коммунистик партия ва республикамиз ҳукумати томонидан она шаҳримизни тараққий эттириш бўйича белгиланган улкан вазифалар, кенг истиқболлар лойиҳаловчи шаҳарсозлар коллективи зиммасига катта масъулият юклайди ва уларни янги ижодий изланишларга илҳомлантиради.

Ф. ТУРСУНОВ,
Тошкент Бош план институти директори.



СУРАТДА: Марказ — 14 кварталининг бугунги манзараси.

М. Нуриддинов фотоси.

Маданий хизмат савиясини — юксалтирайлик

МАДАНИЙ-ОҚАРТУВ МУАССАСАЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ АКТИВИ ЙИҒИЛИШИДАН

Тошкент маданий-оқартув муассасалари ходимлари активининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳар ижроия комитети маданият бошқармасининг бошлиғи Ш. Н. Шарипов «1975 йилда қилинган ишлар якуни ва 1976 йилда шаҳар маданий-оқартув муассасалари ходимларининг вазифалари» деган мавзуда доклад қилди.

— Шаҳар партия конференциясида қайд этилганидек, маданият муассасалари шаҳар партия ташкилотларига ошираётган идеологик ишларда актив ёрдам бериб келмоқда, — деди Ш. Н. Шарипов.

Пойтахтнинг маданият ва истироҳат боғлари бу соҳада катта иш олиб боряпти. Боғларда ташкил этилган лекторийлар ҳамиша одамлар билан гавжум. «Съезддан — съездгача», «Партия планлари — халқ планлари», «Партия кўрсатмалари ҳаётда» деб номланган лекторийлар шулар жумласидандир. «Билим» жамиятининг аъзолари бўлган олимлар, педагоглар, журналистлар, лекция ўқишга жалб этилган, Кўпгина лекциялар давомида тематик ҳужжатли фильмлар намойиш қилинади.

Маданият бошқармасининг боғлар бўйича халқ ҳўжалик плани 1975 йилда 103,9 процент қилиб адо этилди. Пландан ташқари 18 минг сўм фойда олинди.

Шаҳримиз боғлари СССР Маданият министрлиги, ВЦСПС, ВЛКСМ Марказий Комитети, Бутуниттифоқ «Билим» жамияти правленеси ва «Известия» газетаси редакцияси томонидан «Боғлар — тўққизинчи беш йилликка» шиори остида ўтказилган маданият ва истироҳат боғларининг Бутуниттифоқ кўригида актив иштирок этди.

Тельман номидаги парк кўрик лауреати номини олди. Ленин комсомоли боғи диплом билан, «Ўзбекистон комсомоли 40 йиллиги», Горький номли, Пушкин номли боғлар фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди.

Фақат ўтган йилнинг ўзида боғлар 5 мингга яқин хилма-хил маданий-оммавий тадбир ўтказдилар. Уларда 6 миллион киши иштирок этди.

Шаҳар кутубхоналари ҳам маълум ижобий тажриба тўпладилар. Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг ленинча ички ва ташқи сиёсатини, мамлакатимизнинг коммунистик қурилишда эришган ютуқларини, КПСС XXIV съезди қарорларини ҳаётга тадбиқ этишдаги муваффақиятларни очиб берадиган адабиётлар ва материалларни кенг пропаганда қилиш кутубхоналар ишида асосий йўналиш бўлиб қолмоқда.

Фрунзе ва Чилонзор районн кутубхоналари айниқса самарали иш олиб боряпти. Фурқат номли кутубхонада ва Белинский номли кутубхона филиалида «КПСС XXV съездини қаршилаб» деб номланган лекторий иш олиб боряпти. Китобхонлар тез-тез ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари, партия ва совет ходимлари, адабиёт ва санъат арбоблари билан учрашяптилар. «Сен учун, инсон», «Ленинча ўқийлик ва ишлаймиз», «Ленинча тинчлик сиёсатининг кудрати» шиорлари остида мунтазам китоб обзорлари ўтказилмоқда.

Актив йиғилишида клублар ва маданият уйларининг механизаторлари коммунистик руҳида тарбиялаш бўйича тажрибасини умумлаштиришга алоҳида эътибор берилди.

Ҳозирги пайтда қўлгина клублар ва маданият уйларида совет халқининг КПСС XXIV ва XXV съездлари ўртасида қўлга киритган ютуқларига бағишланган туркум лекциялар ташкил қилинган.

— Шуниси диққатга сазоворки, — деб таъкидлади нотиқ, — фрунзе, Ленин ва бошқа бир қатор район ларнинг маданият уйларида лекция ўқишда киноматериаллардан, тематик кўргазмалардан кенг фойдаланилмоқда. Аҳоли яшайдиган жойларнинг бевосита ўзида турли хил тадбирлар ташкил этилмоқда.

Механизаторларнинг ғоявий жиҳатдан тарбиялаш, уларнинг маданий дам олишларини уюштиришда бадиий ҳаваскорлик катта роль ўйнайди. Халқ ижодининг оммавийлигини кенгайтиришда, ғоявий-бадиий савиясини юксалтиришда фестивальлар, конкурслар, ҳаваскорлик коллективларининг ижодий ҳисоботлари, кўриклар ижобий роль ўйнамоқда.

1975 йил февралида бошланган механизаторларнинг бадиий ҳаваскорлик ижоди биринчи Бутуниттифоқ фестивалининг дастлабки босқичи якунланиш арафасида туриби. Бу фестиваль доирасида шаҳарда кўпгина тадбирлар ўтказилди. Ғалабанинг 30 йиллигига бағишланган ҳарбий-ватанпарварлик қўшиқлари шаҳар конкурсида 250 дан ортиқ бадиий ҳаваскорлик коллективи иштирок этди. Навоий номидаги Катта театр биносида «Жасоратни қалбдан ҳис эт» деб номланган шаҳар конкурси лауреатларининг якуловчи концерти бўлиб ўтди. «Биз Ленин ва партия ишига содиқмиз» шиори остида ўтган шаҳар ва район ёшлар қўшиғи байрамлари яхши ғоявий ва ижодий савияда ўтказилди.

Ижобий тажрибаларни умумлаштириш билан бирга, докладчи маданий-оқартув муассасалари ишидаги айрим нуқсонларни ҳам кўрсатиб ўтди.

Актив қатнашчиларни «Роҳат», «Гулшан», Собир Раҳимов номли боғлар, айрим кутубхона, клуб ва маданият уйларидаги ишнинг паст савияси, кадрларнинг қўнимсизлиги ва аҳолига хизмат кўрсатишдаги бошқа камчиликларни батафсил муҳокама қилдилар.

Актив йиғилишида қабул қилинган 1976 йилги социалистик мажбуриятларда маданий-оқартув муассасалари ишини янада такомиллаштириш зарурати таъкидланди, аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилаш бўйича конкрет тадбирлар белгилаб берилди. Унда КПСС XXV съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XIX съезди қарорларини пропаганда қилишнинг таъсирчанлигига, Улуғ Октябрь Социалистик революциясининг 60 йиллигини байрам қилишга тайёргарликка алоҳида эътибор берилган.

Даромадлар бўйича йиллик план 1976 йилнинг 1 декабрига бажарилади, пландан ташқари 40 минг сўм фойда берилади. Актив йиғилишида ана шу марралар белгиланди.

Актив ишида Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг секретари Б. В. Барабаш иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Охунбобоев номли шаҳар маданият уйининг бичиш-тикиш, халқ театри, бадиий ҳаваскорлик тўгаракларида минггa яқин ишчи-хизматчилар, студент ва ўқувчи ёшлар қатнашади.

СУРАТДА: маданият уйи қошидаги радио ҳаваскорлари, ва фортепьяно чоғи тўгарагининг қатнашчилари машғулот пайтида.

М. Нуриддинов фотоси.

▲ ҲАР ТУҒРИДА

МИТТИ ТЕЛЕВИЗОР ЯСАШ МУМКИНМИ?

АҚШ Ҳарбий ҳаво кучларининг мутахассислари, деб хабар беради, Франс Пресс агентлиги, суюқ кристалл асосида ишлайдиган митти электрон қурилмани ишлаб чиқдилар. Суюқ кристалл шиша пластинкалар орасига жойлаштирилади. Бундай қурилма ёрқин телевизион тасвир беради. Учувчи шундай қурилма ёрдамида самолётдаги кўпдан-кўп асбобларнинг стрелкалари нималарни кўрсатаётганлигини қулайгина кузатиб тура олади. Бир қанча мутахассислар суюқ кристалллардан фойдаланиб, қўл соатидек митти телевизор яратиш мумкин, деб ҳисобламоқдалар.

БОКС

Ишончли ғалаба

Анъанавий СССР — АҚШ матч учрашувининг қатнашчилари — Америка боксчилари Тошкентга совет спортчиларидан икки марта: Москвада 2:9, Ереванда 3:4 ҳисобида мағлубият-га учраганларидан сўнг келдилар. Табиийки, улар учинчи учрашувда албатта ғалаба қозонишга интилардилар.

Меҳмонларнинг бу нияти биринчи жангдаёқ намоён бўлди. 48 килограммгача бўлган вазн тоифасида Луис Кертис Василий Пла-нушчийга қаттиқ қаршилик кўрсатди. Аммо олмаоталик боксчи аниқроқ, активроқ ҳаракат қилгани учун орбиталардан иккитаси уни ғолиб деб топишди.

Бу ғалаба красноярскдик Виктор Литвиновни илҳомлантириб юборди. У бутун жанг давомида моҳирлик билан ҳаракат қилиб, рақиби Ричард Роузелга ҳеч қандай умид қолдирмади.

54 килограммгача бўлган вазн тоифасида республикамиз вакилларидан биринчи бўлиб Феликс Пан рингга чиқди. Унинг рақиби АҚШнинг 1975 йил чемпиони Пан америка ўйинларининг финалчиси Бернард Тейлор эди. У совет спортчилари билан аввалги икки учрашувда ғалаба қозонганди. Аввалига Феликс ўзининг кучли рақибига яқинлашиш чораларини излаб тополмади. Тейлорнинг зарбаларидан сўнг у ноқдаунда ҳам бўлди. Аммо кейинчалик у курашни тенглаштиришга, учрашувнинг сўнгги дақиқаларида метма-кет ҳужумлари билан ғалаба тарозисини ўз томонига оғдиришга муваффақ бўлди. Шундан сўнг ҳисоб 3:0 совет спортчилари фойдасига ҳал бўлди.

Узбекистоннинг бошқа вакили Ринат Ҳайруддиновнинг омади келмади. Биринчи раунднинг ўрталарида ёқ унинг қўши шикастланганлиги учун врачлар учрашувни тўхтатишди. Ғалаба Дейв Армстронгга берилди. Арзимаган ус-тунлик билан тошкентлик Олимжон Зоиров-ни мағлубиятга учратган Ричард Робертс ҳисобни 3:2 га ўзгартирди.

Бу меҳмонларнинг сўнгги муваффақияти эди. Валерий Рачков Милтон Стюардни, Фарғоналик Владимир Юдин Рожер Леноардни мағлубиятга учратди.

Айниқса, жаҳон чемпиони ҳамшаҳримиз Руфат Риҳиев учрашуви томошабинларда катта таассурот қолдирди. Унинг Америка чемпиони Майкл Спинкс билан учрашуви ҳар қандай мақтовларга сазовор. Риҳиевнинг кучли зарбаларидан сўнг америкалик боксчи уч марта эсанкираб қолди. Уччала арбитр ҳамшаҳримизни ғолиб деб топди.

Марвин Стинсон устидан ишончли ғалаба қозонган мамлакатимизнинг мутлақ чемпиони Пётр Зоев қизиқарли учрашувга сўнгги нуқта қўйди. Шундай қилиб совет спортчилари 7:2 ҳисобида ғалаба қозонишди. Америкалик Бернард Тейлор ва Руфат Риҳиев учрашувнинг энг яхши қатнашчилари деб топилди. Матчнинг энг ёш қатнашчиси учун совринни ҳам Р. Тейлорга (18ёш) берилди.

Тошкентдаги учрашув совет бокс мактабининг устунлигини яна бир карра исботлади.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 3|Ш да **Комиссия**, 4|Ш да **Инқилоб тонги**, 5|Ш да **Уйланиш.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 3|Ш да **Нурхон**, 4|Ш да **Ўжарлар**, 5|Ш да **Сув келтирган азиз.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 3|Ш да **Хазон бўлган баҳор** (17.30), 4|Ш да **Ойдин** (16.00), 5|Ш да **Номзодлар** (17.30).

КИНО

3 ФЕВРАЛДА

Тонгдан тонггача — «ВОСТОК» (кечқурун), «МОСКВА» (18.00, 19.30, 21.00), «ЧАЙКА» (18.00, 20.00, 21.45).

Буни биз ўтмаганмиз — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда), «ДРУЖБА» (тоқ соатларда), «ЎЗБЕКИСТОН» (18.00, 20.00, 21.30).

Мария учун олмослар — «ДРУЖБА» (жуфт соатларда).

Фавқулодда ҳодиса — «ҚОЗОГИСТОН» (тоқ соатларда).

Афоня — НАВОИЙ номли (кечқурун).

4 ФЕВРАЛДА

Тонгдан тонггача — «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун), «МОСКВА» (10.00, 12.00, 14.00, 16.00, 18.00, 19.30, 21.00), «НУКУС» (11.00, 13.00, 15.00, 17.00, 19.00, 20.45), «ЧАЙКА» (12.00, 14.00, 16.00, 18.60, 20.00, 21.45).

Буни биз ўтмаганмиз — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «ҚОЗОГИСТОН» (жуфт соатларда), «ДРУЖБА» (тоқ соатларда), «ЎЗБЕКИСТОН» (10.00, 12.00, 14.00, 16.00, 18.00, 20.00, 21.30).

Мария учун олмослар — «ДРУЖБА» (жуфт соатларда).

Фавқулодда ҳодиса — «ҚОЗОГИСТОН» (тоқ соатларда).

Афоня — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

ТЕЛЕВИЗОР

3 ФЕВРАЛЬ — СЕШАНБА

Биринчи программа. Тошкент кўрсатади. 18.00 Кўрсатувлар программаси. Болалар учун «Камалак» программаси. 18.05 «Ватан, партия ҳақида қўйлайлик». Адабий-мусиқали композиция (ўзб.). 18.35 «Кумуш карнайлар». Телефильм. 18.55 «Ёшлар ижоди». Ёш ижодкорлар асарларида ҳалқлар дўстлиги мавзуи (рус.). **Ўзбек тилида:** 19.15 Ўзбекистон Компартияси XIX съезднинг делегатлари ҳикоя қиладилар. 19.30 «Биз ягона, дўстона оилангиг фарзандларимиз». Республика бадиий ҳаваскорлик коллективларининг концерти. Я. М. Свердлов номли концерт залидан олиб кўрсатилади. 21.00 «Аҳборот» информацион программаси. Ўзбекистон Компартиясининг XIX съездида. **Москва кўрсатади.** 22.00 «Вақт» информацион программаси. **Тошкент кўрсатади.** 22.30 «Осиё устида бўрон». Бадиий фильм (ўзб.). 24.00 Кўрсатувлар программаси.

Иккинчи программа. Москва кўрсатади. 18.00 Бадиий ҳаваскорлик қатнашчиларининг концерти. 18.30 «Инсон ва қонун». 19.00 Янгиликлар. 19.15 «Расмларда қўёш акси бор». 19.30 Санъат усталарининг концерти. 20.00 «Кўркув талвасасида». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 21.05 «Ўғирлар учун мусиқали кеча». **Тошкент кўрсатади.** 22.00 Ўзбекистон Компартиясининг XIX съездига меҳнат рапортлари. Съездолди меҳнат вахтаси гопибларининг сўзи (ўзб.). **Москва кўрсатади.** 22.30 «Сиз бунга қодирсиз». 23.30 СССР халқ артисти А. Огнивцев қўйлайди. 23.50 Янгиликлар.

Учинчи программа. Тошкент кўрсатади. 18.55 Кўрсатувлар программаси. **Ўзбек тилида:** 19.00 Ўқувчилар учун. «Светофор». 20.00 Тошкент янгиликлари. **Рус тилида:** 20.20 «Иқбол» программаси. «Ўзбекистон қўшиқдай ҳаёт». 20.50 «Ленин йўлланмаси билан». Бадиий фильм.

4 ФЕВРАЛЬ — ЧОРШАНБА

Биринчи программа. Москва кўрсатади. 10.00 Янгиликлар. 10.10 Эрталабки гимнастика: машғулотлари. 10.30 «Моҳир қўллар». 11.00 «Менинг кўнаги». Телевизион бадиий фильм. 12.15 Санъат усталарининг концерти. 16.00 «Давр, ишлар, одамлар». Телевизион ҳужжатли фильм. 16.25 Болалар учун. «Нуқта, нуқта, вергул». Бадиий фильм. **Тошкент кўрсатади.** 17.45 Кўрсатувлар программаси. Болалар учун «Камалак» программаси. **Рус тилида:** 17.50 «Гулла, республикам». 18.20 «Гаройиб саргузашт». Мультфильм. **Ўзбек тилида:** 18.30 «Миллионлар ленинча университети». «Халқ фаровонлигини ошириш — КПСС-нинг асосий иқтисодий вазифаси». 18.45 «Ахборот» информацион программаси. Ўзбекистон Компартиясининг XIX съездида (рус.). 19.05 «Иқбол» программаси. Ўзбекистон Компартияси XIX съезднинг делегатлари — меҳмонимиз. **Москва кўрсатади.** 19.25 XII Қишки олимпия ўйинларининг очилиши. Инсбрукдан олиб кўрсатилади. **Тошкент кўрсатади. Ўзбек тилида:** 21.00 «Ахборот» информацион программаси. Ўзбекистон Компартиясининг XIX съездида. 21.30 Ўзбек қўшиқларидан концерт. **Москва кўрсатади.** 22.00 «Вақт» информацион программаси. **Тошкент кўрсатади.** 22.30 «Инқилоб чавандозлари», Бадиий фильм. 00.05 Кўрсатувлар программаси.

Иккинчи программа. Тошкент кўрсатади. 16.45 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Чизма геометрия (ўзб.). **Москва кўрсатади.** 17.45 «Фан оламида». 18.15 «Горичилар, қаердасиз?». 19.00 Янгиликлар. 19.15 «Спортлото» тиражи. **Тошкент кўрсатади. Ўзбек тилида:** 19.25 «Ёзувчи ва замон». «Партиявийлик — совет адабиётининг байроғи». 19.55 «Экранда коммунист образи». Кинокўрсатув. **Москва кўрсатади.** 21.00 «Партия планлари — халқ планлари». 21.45 Концерт. **Тошкент кўрсатади.** 22.00 Ўқитувчи экрани (ўзб.). **Москва кўрсатади.** 22.30 Оноре де Бальзак. «Қизил меҳмонхона». 23.20 «Сизнинг фикрингичача». Кўрсатув тугагач — Янгиликлар.

Учинчи программа. Тошкент кўрсатади. 18.55 Кўрсатувлар программаси. **Ўзбек тилида:** 19.00 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Олий математика. 20.00 Тошкент янгиликлари. 20.20 «Санъат турлари». Хореография. Эстетикадан ўқув кўрсатуви (рус.). 21.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».

Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти коллективи биология фанлари кандидати, одам анатомияси ва физиологияси кафедрасининг доценти Т. Абдуллаевга отаси.

Абдулла АЛИМУҲАМЕДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ОФИЦИАНТ БЎЛИШНИ ҲОҲЛАСАНГИЗ

АГАР СИЗ ДАСТУРХОНЛАРНИ ЧИРОЙЛИ ҚИЛИБ БЕЗАШНИ ВА ОВҚАТ ВА МЕВАЛАРГА ТУЛА ПАТНУС БИЛАН БЕМАЛОЛ ҲАРАКАТ ҚИЛИШНИ ЎРГАНИБ ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИС БЎЛИШНИ ҲОҲЛАСАНГИЗ

«ЗАРАФШОН» РЕСТОРАНИ ҚОШИДАГИ

ОФИЦИАНТЛАР МАКТАБИГА ЎҚИШГА КИРИНГ

БУ МАКТАБГА КИРИБ ЎҚИШНИ ҲОҲЛАГАН ҚИЗЛАР ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТЕЗЛИК БИЛАН ТОПШИРИШЛАРИ ЗАРУР.

ЎҚИШ МУДДАТИ — 6 ОЙ (3 ойи назарий машғулот, 3 ойи пойтахтимиздаги энг яхши ресторанларда практика).

ЎҚУВЧИЛАРГА ҲАР ОЙДА 45 СЎМДАН 54 СЎМГАЧА СТИПЕНДИЯ БЕРИЛАДИ.

МАКТАБДА МАШҒУЛОТЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТАЪЛИМИНИНГ ТАЖРИБАЛИ УСТАЛАРИ ОЛИБ БОРАДИЛАР.

ЎҚИШГА КИРИШНИ ХОҲЛОВЧИЛАР ТОШКЕНТ РЕСТОРАНЛАР ТРЕСТИНИНГ КАДРЛАР БЎЛИМИГА АРИЗА БИЛАН БИРГА: 2 та фотосурат, паспорт ва маълумоти тўғрисидаги ҳужжатни топширадилар.

МАКТАБНИ ТУГАТИБ ЯХШИ АТТЕСТАЦИЯ ОЛГАНЛАР ҲАМДА ПРАКТИКА ДАВРИДА ЯХШИ РЕКОМЕНДАЦИЯ ОЛГАНЛАР ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ РЕСТОРАНЛАРДА МУСТАҚИЛ ИШГА ҚЎЙИЛАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Педагогика кўчаси, 15-уй, кадрлар бўлими. Телефон: 39-17-66.

Тошкент ресторанлар трести

ДАМ ОЛИШ ВА СПОРТ БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШ УЧУН

АГАР СИЗ ШАҲАРДАН ТАШҚАРИГА САЙР ҚИЛИШНИ ЁКИ ТУРИСТИК ПОХОДДА ҚАТНАШИШНИ МЎЛЖАЛЛАБ ҚЎЙГАН БЎЛСАНГИЗ

СПОРТ КОСТЮМИ, КУРТКА ДЖИНСИ ШИМ ВА СВИТЕРЛАРНИ

СОТИБ ОЛИНГ

ШУНИНГДЕК, РЮКЗАК, ЧОДИР, ОШХОНА ПРЕДМЕТЛАРИ ВА КЕТИЛАРНИ ХАРИД ҚИЛИШНИ УНУТМАНГ.

ДАМ ОЛИШ ВА СПОРТ БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШ УЧУН ҲАММА БУЮМЛАРНИ «УЗСПОРТТОРГ»НИНГ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ҚУЙИДАГИ МАГАЗИНЛАРИДАН СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН: 1 — У. Юсупов кўчаси («Ўрда» бекати); 2 — Муқимий кўчаси; 42 — Олой бозори ва БОШҚА МАГАЗИНЛАР.

«Узспорттторг»

«УЗТОРГРЕКЛАМА»

Тошкент оқшоми 4 бет. 3 ФЕВРАЛЬ, 1976 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000; ТОШКЕНТ, ГСП, «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ, 26-УЙ.

Р—03034. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри «Правда Востока» кўчаси, 26. ИНДЕКС 64579. Нашр Б—2999.

ТЕЛЕФОНЛАР: коммутатор — 33-02-49 дан 33-02-58 гача. Эълонлар бўлими — 33-81-42.